БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 23 (17.603). ● 29 январь 1980 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ЮКСАК МАРРАЛАР ЧОРЛАЙДИ

● ЯЛПИ ПАХТА МИҚДОРИ ЎТГАН ЙИЛДАГИДАН 2.200 ТОННА КЎПАЙТИРИЛАДИ, БУНГА ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН ОЛИНАДИГАН ҲОСИЛНИ 4—5 ЦЕНТНЕР ОШИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЭРИШИЛАДИ.

● 40 ҲАЙДОВ ТРАКТОРИ, 210 ЧОПИҚ ТРАКТОРИ, СЕЯЛКАЛАР ВА БОШҚА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ РЕМОНТДАН ЧИҚАРИЛИБ, МАВСУМГА ШАЙЛАБ ҚЎЙИЛДИ. ЧИГИТ ЭКИШ ЭКИПАЖЛАРИ КОМПЛЕКТЛАНДИ.

● АЛМАШЛАБ ЭКИШ СХЕМАСИГА АСОСАН 280 ГЕКТАР ЭСКИ БЕДАЗОР ПАХТАЗОРГА АЙЛАНТИРИЛАДИ. ҲАР ГЕКТАР ЕРГА 28 ТОННАДАН ОРГАНИК ЎГИТ СОЛИНДИ, ЯНА ШУНЧАДАН ЎГИТ ЖАМҒАРИБ ҚЎЙИЛДИ.

● АРИҚ-ЗОВУРЛАР ТОЗАЛАБ БЎЛИНДИ, ШЎР ЮВИШ, ЯХОБ БЕРИШ СИФАТЛИ ЎТКАЗИЛЯПТИ. ЯҚИН КУНЛАРДА УРУҒЛИК ЧИГИТНИ ТАШИШ БОШЛАНАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми ҳужжатларида шундай дейилган: «Табиатнинг бу йилдагидек (1979 йил) ўжар инжиқликлари кўп йилларидан бери биринчи марта қайд этилди. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг пахтакорларга доимий ёрдами ва эътибори, партия комитетларининг пахта ўйлаб қилинган ҳаракатлари, уларнинг одамларни жипслаштириш, оммани сафарбар этиш, қишлоқчиликларни бартараф этишга отлантириш маҳорати ҳал қилувчи роль ўйнади. Деҳқонларимизнинг юксак омилкорлиги, мардлиги, қудратли моддий-техника база, замонавий ишлаб чиқариш, илмий комплекс ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади, албатта. Пахтакорларнинг фидокорона меҳнати муваффақиятли якунланди, улар ўз ваъдаларига мардона вафо қилдилар».

Хўш, партиямизнинг ана шундай олқишига сазовор бўлган республикамиз пахтакорларининг «сомонўпар «оқ олтин» хирмонига колхозимиз меҳнат аҳли қандай ҳисса қўшди? Ўтган йили 2.750 гектар майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил олинди, давлатимизга 9.800 тонна ёки планда кўзда тутилганидан 900 тонна кўп пахта сотилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шониёз Турсунов бошлиқ бригада гектаридан 45 центнердан хирмон кўтарди. Дилмурод Аҳроров, Баҳром Долиев, Тошниёз Зиёев, Хайрулло Ёмонов, Ориз Шониёзов, Рашид Ҳамидов, Чаққон Усмоновлар бошлиқ бригадаларимиз ҳам ана шундай қувончли натижаларга эришдилар. Иккита бригадани мустасно қилганда, қолган 36 пахтачилик бригадасининг ҳаммаси омилкорлик билан иш тутиб, пахтани кўпайтириш юзасидан ўз олдиларига қўйилган вазифани шараф билан бажардилар.

Давлатимиз колхозчи деҳқонларга етказиб бераётган қудратли моддий-техника ёрдами пахтачилик учун оғир келган йилда катта меҳнат ғалабасига эришувимизда ҳал қилувчи роль ўйнади. Терим мавсумида далаларимизда 42 «зангори кема» тўла қувват билан ишлатилди, ҳар бир машинанинг иш унуми ўртача 150—160 тоннани ташкил этди. Бункерлардан 6.250 тонна пахта тўкилиб, машина терими йлани ортиғи билан адо этилди. Тошмамат Эшниёзов, Мусақул Маманазаров, Турсун Очилов, Аҳмад Умаров, Соҳабиддин Маматов сингари кўплаб дала гвардиячилари машиналарнинг мавсумдаги иш унумини 180—200 тоннага кўтардилар.

Шу ўринда хўжалигимизда чорвачиликнинг ривожлантирилиши ва маҳсулотлар етиштиришнинг кўпайтирилиши ҳақида икки оғиз гапириб ўтиш керак. Сабаби, биз пахтачилик билан чорвачиликни бир-бирига узвий равишда боғланган ҳолда ривожлантирямиз, ҳосилдорликни кўтаришга нечоғли катта аҳамият бераётганимизни, маҳсулотлар миқдорини оширишга ҳам шунчалик эътибор бераётганимиз. Мақсадимиз чорвачиликни пахтачилик даражасига кўтаришдир. Ўтган йили давлатга 140 тонна гўшт, 710 тонна сут, салкам 200 минг дона тухум сотилди, халқ хўжалик планлари ортиғи билан бажарилди.

Лекин пахтачиликдаги ютуқларга ҳам, чорвачиликдаги муваффақиятларга ҳам осонликча эришилмади. Ҳар йили чигит, беда, маккажўхори ва бошқа экиналарни етти-ўн иш кунида экардик. Ўтган йили баҳорикор қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан чигит экиш роса икки ойга чўзилди. 2000 гектар майдонга такрор-такрор уруғ қадашга мажбур бўлдик. Чунки кунда, кунора ёмғир, дўл ёғди, тупроқ қизимади, чигит чириди. Бу ҳам етмагандай ёз фаслида қишлоқ хўжалик зараркунандалари кўпайди. Шуни қарамай, юқорида айтилгашидек, пахта, сут, гўшт ва бошқа маҳсулотларни анча кўпайтириш, планлар ва мажбуриятларни бажаришга эришдик.

Ютуқлардан чиқарилган хулосалар нималардан иборат? Чигит, беда, маккажўхори, хашаки лавлаги ва бошқа экинлар уруғини барвақт тайёрлаб қўйишимиз, эҳтиёт фондига эга бўлишимиз керак. Лекин уруғларни ерга қадашда шошма-шошмликка йўл қўймаслик зарур. Маълумки, қишлоқ хўжалик экинлари кун санайди, иссиқлик етарли бўлган тақдирдагина ҳосили етишади. Биз эртаги экинлар экиш тарҳдоримиз. Бироқ табиий шароитни ҳисобга олишимиз лозим. Техника, ишчи кучи, транспорт етарли бўлса, барча хил экинлар уруғини бир ҳафтада экиш мумкин. Демоқчиманки, баҳорда тадбиркорлик билан иш тутайлик! Қўклам эшик қоқяпти. Еримиз, чигит ва бошқа уруғликларимиз экишга тайёрми? Ўғитлар талаблар даражасида тўпланганми? Чигит экишга киришгунча бошқа хил экинлар, шу жумладан озуқабоп экинлар уруғини экиб бўлмоғимиз лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг ҳужжатларида яна бундай дейилади: «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия ташкилотлари зиммасига партиянинг принципиал йўл-йўриқлари, руҳида иш услуби ва методларини қунт билан такомиллаштириш, ҳал қилинадиган халқ хўжалик вазифаларига татбиқан ташкилий, оммавий-сиёсий, идеология ишини ҳар томонлама яхшилаш, бу ишни омманинг ташаббуси ва меҳнат активлигини ҳар томонлама ривожлантиришга, ташкилотчилик ва интизомни оширишга, партия режаларини муваффақиятли рўёбга чиқариш учун қайратимизни шахсий масъулиятини кучайтиришга сафарбар этиш вазифасини юклайди».

Ана шу йўл-йўриқлар асосида колхозимиз бўйича 1980 йил учун қандай вазифалар белгиладик? Бир йилда, юқорида таъкидланганидек, пахта етиштиришни 2.200 тоннага кўпайтириб, ялпи ҳосилни 12.000 тоннага етказамиз. Бунинг учун гектаридан олинадиган ҳосилни 4—5 центнер оширамиз. 40—45 центнерчи бригадалар сонини ўтган йилдагидан деярли тенгматенг кўпайтирамиз, бултур планини бажара олмаган ҳар икки бригадамизда ҳам гектаридан камида 35 центнердан ҳосил олинишини таъминлаймиз.

Ҳосилдорликни оширишга ижобий таъсир кўрсатадиган яна бир қатор тадбирларни амалга оширдик. Жумладан, алмашлаб экиш схемасига асосан 280 гектар бедазорни пахтазорга айлантирамиз. Ҳамма майдонларни чуқур шудгорлаб олдик, баҳорда бороналаб ёки чизеллаб чигит экаверамиз, бу билан фурсатдан ютамиз. Шудгорлашдан олдин ҳар гектар ерга 28 тоннадан органик ўғит солдик, яна шунча миқдордаги ўғитлар хандакларга тўплаб чиритиляпти. Ариқ-зовурларни тозалаб бўлдик. 40 та ҳайдов, 210 та чопиқ тракторлари, селялкалар ва бошқа техника воситалари ремонтдан чиқариб қўйилди, мутахассислар бошчилигида олтита чигит экиш экипажи туздик, техникани уларга бириктирдик. Механизаторлар сафи комплектланди.

1980 йилда сут, гўшт, тухум етиштиришни 25—30 процент кўпайтириш режаларини белгилаб олдик. Чорвачиликда ҳар бош сигирдан согиб олинадиган сутни ўртача 300 литр оширамиз, ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 30 килограмм ошириб, 450 килограммга етказиб гўштга топширамиз. Ҳозир 40 бош қорамол боқувда турибди, яқин кунларда уни гўштга топшириб, биринчи квартал топширигини бажарамиз.

Учинчи беш йилликнинг якунловчи босқичида зиммамиздаги масъулиятли вазифаларни адо этиш учун колхозчи деҳқонларимиз, чорвадорларимиз ва бошқа соҳалар ходимларининг ташаббускорлиги ва меҳнат активлигини ҳар қачонгидан оширамиз, мусобақани кучайтирамиз, резервларни ишга соламиз. Кадрларда топширилган иш, ҳосил ва маҳсулотлар тақдири учун масъулиятни оширамиз. Оммавий-сиёсий, ташкилий, идеология ишлари савиясини юқори погонага кўтариб, бутун куч-қайратимизни юксак мажбуриятларимизни бажаришга сафарбар этамиз, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб оламиз.

М. ШОДИЕВ,
Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхоз раиси.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

АКТИВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Самарқанд область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари саноат, транспорт, алоқа, коммунал-маиший ва савдо корхоналари коллективларининг беш йиллик тўртинчи йилидаги иш якунларини ҳамда область партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг 1980 йил ва умуман беш йиллик планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини бажариш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов доклад қилди.

* * *

Беш йилликнинг якунловчи йилида пландан ташқари 7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади — Хоразм областининг меҳнаткашлари область партия-хўжалик активи йиғилишида қабул қилинган социалистик мажбуриятларида ўз олдиларига ана шундай вазифани қўйдилар. Актив йиғилишининг қатнашчилари саноат, транспорт ва алоқа корхоналари ҳамда ташкилотларининг 1979 йилги иш якунларини ва КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми талаблари асосида ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш соҳасидаги вазифаларни муҳокама этдилар.

* * *

Сурхондарё область партия-хўжалик активининг йиғилишида саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўтган йилги иш якунлари ва КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида беш йиллик якунловчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

* * *

Фарғона область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари ўтган йил якунларини ҳамда КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг талаблари асосида беш йилликнинг якунловчи йили план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш соҳасида саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективларининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

* * *

Областлар партия-хўжалик активлари йиғилишининг қатнашчилари иш самарадорлигини янада ошириш, ҳар бир коллектив В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига ва умуман беш йилликка қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариши учун шарт-шароит яратиш муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

1980 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ В. И. ДОЛГИХ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ижтимоий ишлаб чиқаришни муттасил ва пропорционал ривожлантириш, партиянинг халқ хўжалиги барча бўғинларида самарадорлик ва сифатни яхшилашдан иборат йўлини изчиллик билан амалга ошириш — беш йиллик якунловчи йилининг муҳим вазифаларидан биридир. Липецк областининг меҳнаткашлари ана шу вазифани ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. 28 январь куни Новолипецк сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитетининг секретари Владимир Иванович Долгих билан учрашуви бўлди.

Учрашув қатнашчилари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Липецк трактор заводининг директори Н. Г. Загорский В. И. Долгихнинг ҳаёт йўли тўғрисида сўзлаб берди. У сайловчиларни сайлов куни — 24 февраль коммунистлар билан партиясизлар, бутунмас блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Учрашувда Новолипецк металлургия заводи партия комитетининг секретари А. И. Тепленичев, 35-мактаб директори, РСФСР мактабининг хизмат кўрсатган ўқитувчиси Т. П. Алексеева, «Липецкстрой» трести том ёпувчилар бригадири Н. Т. Фетисов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар область меҳнаткашлари партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Меҳнат коллективлари зарбдорларча, коммунистларча ишлашга, 1980 йилги ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга азм қарор берганликлари таъкидлаб ўтилди. Тракторсозлар ва металлургчилар, химиклар ва энергетиклар, бинокорлар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилганликларини билдирдилар.

Сўнгра йиғилиш аҳли самимий кутиб олган В. И. Долгих нутқ сўзлади. У қуйидагиларни таъкидлади: КПСС XXV съезднинг тарихий қарорлари, Ватанимизнинг иқтисодий потенциалини янада ошириш, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, мустаҳкам тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, социалистик демократияни ривожлантириш, совет кишиларининг фаровонлиги ва маданиятини юксалтириш — партиянинг бўлажак сайловдаги сиёсий платформасидир.

В. В. Долгих ўзини РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган коллективларга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этиб, бу юксак ишончни тўла-тўкис Коммунистик партияга, совет халқининг ишонч фарзанди, КПСС билан Совет давлатининг атоқли раҳбари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия ленинчи Марказий Комитетига билдирилган ишонч деб ҳисоблашни таъкидлади. Депутатликка номзод бутун кучимни коммунистик қурилиш ишига бағишлайман, деб сайловчиларга ваъда берди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Г. Н. МАРЧУКНИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҲАМДА СССР ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Гурий Иванович **Марчук** СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ҳамда СССР Фан ва техника давлат комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил 28 январь.

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

Округ сайлов комиссиялари Тошкент тепловоз депосининг машинисти **Ҳабибулло Олимжонович Исамуҳамедовни** 48-Шумилов сайлов округидан, Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг раиси **Энмарк Солиховни** 12-Киров сайлов округидан, Главташкентстройга қарашли 4-қурилиш трестининг гишт терувчиси **Мария Андреевна Колпаковани** 16-Куйбишев сайлов округидан, Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ғуломмаҳмуд Абдуллаевни** 110-Келес сайлов округидан, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори **Воҳид Қодировни** 69-Химзавод сайлов округидан, Калинин районидаги Свердлов номли совхоз ишчиси **Барно Эргашевна Муҳамедозани** 93-Свердлов сайлов округидан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Сергей Николаевич Ражовни** 26-Красноармейск сайлов округидан, Қорақалпоғистон АССР, Беруний районидаги «Ленинизм» колхозининг пиллачиси **Гулбаҳор Матупаевна Машаripовани** 487-Октябрь сайлов округидан, Қарши тажриба ремонт-механика заводининг токари **Михаил Петрович Павловни** 222-Ленин сайлов округидан, «Андижангидрострой»нинг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бригадири **Мария Александровна Малишевскаяни** 157-Советобод сайлов округидан, «Джизакстепстрой» территориал бошқармасининг бошлиғи **Павел Харитонович Канни** 218-Пахтакор сайлов округидан, Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозининг директори **Инобат Охуновани** 216-Мирзачўл сайлов округидан, «Шаргунская» шахтасининг портлатувчи мастери **Рашид Саидовни** 380-Дашнобод сайлов округидан, Ўзбекистон Ленин комсомолининг 50 йиллиги номли Гулистон тикувчилик фабрикасининг тикувчи-моториси **Дилбар Эргашевна Пардаевани** 395-Маданият сайлов округидан, «Джаркурганнефть» бошқармасининг оператори **Михайлович Тишкинни** 367-Какайди сайлов округидан, 1-Термиз область касалхонаси болалар бўлимининг мудираси **Хурсан Раҳмоновани** 363-Термиз шаҳар сайлов округидан, «Электротерм» Ўзбекистон ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Наманган бош заводининг электр пайвандчиси **Юрий Алексеевич Кулаковни** 264-Коммунист сайлов округидан, Наманган область, Уйчи районидаги «Комсомол» колхозининг механизатори **Халима Абдуллаевани** 283-Уйчи сайлов округидан Ўзбекистон давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олдилар.

* * *

Республикада маҳаллий Советлар депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

Ўзбекистон пойтахтида «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси С. У. Холмуҳамедова, «Строймеханизация» трестининг ҳайдовчиси Д. Ризаев халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинадилар.

Тошкент районидаги «Тошкент» совхозининг ишчиси А. А. Барикаев, шу райондаги Оҳунбобоев номли колхоз меҳнатчиси Х. Холматова, Ўрта Чирчиқ районидаги Бектемир тажриба пахта заводининг ишчиси Ф. Йўлдошева, Мўйноқ районидаги «Порлатов» балиқ заводининг балиқчиси Б. Яхиёков район Советлари депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинадилар.

Андижон районидаги Оҳунбобоев номли совхоз ишчиси О. Албоқиева шу райондаги Пахтаобод қишлоқ Советининг депутатлигига, Қорақалпоғистон АССР Тахтакўпир районидаги Карл Маркс номли совхознинг бош чўпони Ж. Жургенов Маркс овул Советининг депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинадилар.

* * *

Республикада сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлари давом этмоқда. Учрашувларнинг қатнашчилари республика давлат ҳокимияти олий органига бўлажак сайлов, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига тайёргарлик муносабати билан зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урганлиги тўғрисида гапирмоқдалар.

Наманган областидаги Чуст шаҳрининг маданият саройида **267-Чуст сайлов округи** сайловчиларининг вакиллари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод шаҳардаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси **Гавҳар Раҳимова** билан учрашдилар.

345-Советобод сайлоп округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Самарқанд областидаги «Қарнаб» давлат наслчилик заводининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Раззоқ Жонгиров** ўз сайловчилари билан учрашди.

(ЎзТАГ).

ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАР—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, «Қолоқларсиз ишлаймиз» шиори остидаги мусобақани кенг қулоч ёздириб ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллигининг тўрт йили учун белгиланган топшириқни муддатидан илгари 1979 йил 20 ноябрда бажардилар. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари, маҳсулот реализация қилиш ва фойда олиш жиҳатидан корхона ўнинчи беш йиллигининг охирига планлаштирилган контроль рақамлар даражасига етиб олди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумидаги нутқида баён этилган хулосалар ва қоидаларга амал қилаётган, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга интилаётган комбинат коллективи ўзининг бутун куч-ғайратини иш самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратиб, 1980 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик план муддатидан илгари, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги кунигача, 1980 йил плани эса 27 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 100 минг сўм фойда олинади. Саноат чиқиндиларидан икки минг тонна азотли ўғит ишлаб чиқарилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 0,7 процент ортиғи билан бажарилади. Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенг миқёсда ривожлантириш асосида бир йилда шартли равишда 670 минг сўм тежаб колинади. Ердамчи материаллар ва энергия ресурслари сарфини камайтириш ҳисобига камида 5 миллион киловатт-соат электр энергия, 6 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 1000 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

Вольфрамсиз қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқарадиган цех февраль ойида, оғир қотишмалардан маҳсулот ишлаб чиқарадиган қувват муддатидан икки ой илгари ишга туширилади.

Коллективнинг социал ривожлантириш комплекс плани рўёбга чиқарилиб, комбинатнинг камида 3,5 минг ходими партия ва комсомол сиёсий маорифи иқтисодий ўқиш системасига жалб этилади, 880 ишчининг малакаси оширилади ва уларга иккинчи касб ўргатилади, пионер лагерининг иккинчи навбати, қишки истироҳат базаси, еттита икки квартирали ун-ий биноси қуриб битказилади, истироҳат зонасида, профилакторийда, санаторий-курорт йўлланмалари билан 2600 меҳнаткашнинг сиҳат-саломатлиги мустаҳкамланади, комбинат ходимларининг 840 фарзанди пионер лагерларида дам олади. Металлургпар микрорайонини кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирлари комплекси амалга оширилади.

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозга ва «Ўзбекистон» теплоходига оталиқ ёрдами берилади, «Ўзбекфильм» киностудияси билан ижодий ҳамдўстлик давом эттирилади.

Ушбу социалистик мажбуриятлар комбинат цехлари, бўлимлари меҳнаткашларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган ҳамда корхона активларининг йиғилишида маъқулланган.

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ» БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ «КАРШИСТРОЙИНДУСТРИЯ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бирлашма коллективи КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 533,7 минг кубометр темир-бетон маҳсулот тайёрлаб, Қарши даштини ўзлаштирувчиларга етказиб берди, 6 миллион 139 минг кубометр норуда материаллар ишлаб чиқарди.

КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларига ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган йўл-йўриқларга биноан бирлашма коллективи ўзининг бутун диққат-эътиборини ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштиришга, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини оширишга, ҳар бир цех, ҳар бир бригадада уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга қаратмоқда. Бирлашма коллективи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тугаллаш учун бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб ва В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик топширинни, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари планини 25 декабргача бажаришга сўз беради;

шагал саралаш заводининг ва 60-кўчма механизациялашган колоннанинг коллективлари беш ойлик планни 22 апрелгача бажарадилар, пландан ташқари 200 минг кубометр норуда материаллар ишлаб чиқарадилар, қурилиш-монтаж ишлари планини 150 минг сўмлик миқдорда ошириб бажарадилар;

беш йилликнинг якунловчи йилида бирлашмада планга қўшимча равишда 220 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш белгиланди. Жами маҳсулот ҳажмида олий сифат категорияли маҳсулотлар салмоғи ўтган йилга нисбатан 10 процент оширилади, икки турдаги маҳсулот олий сифат категориясига тақдим этилади; коллектив 120 минг сўм иқтисодий наф берадиган янги техникага ва илғор технологияга доир тадбирларни амалга оширишга сўз беради. Битта автомат, тўртта ярим автомат ва иккита механизациялашган поток линияни жорий этиш йўли билан қўл меҳнати салмоғи 1,2 процент камайтирилади. Маҳсулотнинг 12 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. 150 минг сўм иқтисодий наф берадиган рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилади;

коллективни социал ривожлантириш комплекс планига муворфиқ 210 кишининг малакаси оширилади ва юз нафар янги ишчи тайёрланади. 670 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади, партия ва комсомол сиёсий ўқувида Маркс, Энгельс, Ленин асарларини, КПССнинг тарихий тажрибасини конкрет иқтисодий ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан узвий равишда боғлаб ўргатишга асосий эътибор берилади;

Қарши даштидаги қўриқ совхозларга оталиқ ёрдами бериш давом эттирилади.

Ушбу социалистик мажбуриятлар «Каршистройиндустрия» бирлашмаси коллективларининг йиғилишида муҳокама қилиниб қабул этилган.

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Вьетнам Социалистик Республикаси Миллат мажлиси доимий комитетининг таклифига биноан, 27 январь куни расмий визит билан Москвадан Ханойга жўнаб кетди.

Делегацияни аэродромда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Х. Г. Гилашвили, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Т. М. ТЎХТАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Алоқа органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР алоқа министри ўртоқ Тимур Маҳсудович **Тўхтаев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХУЖАЕВ.

Секретарь учун — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси В. КОЗИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1980 йил 28 январь.

ЛЕНИНЧАСИГА МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК

110 йил

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

МУСОБАҚА МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

1980 йил Январь № 1 (70)

КПСС Марказий Комитети Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини катта умумхалқ байрами сифатида нишонлашга қарор қилди... Шонли йилликка тайёргарлик ва унинг байрам қилиниши халқнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий активлигини янада ривожлантиришга, куч-ғайратни 1980 йил планини бажаришга, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли бошлаб юбориш учун яхши негиз вужудга келтиришга сафарбар қилишда бутун чоралар билан ёрдам бериши лозим. Халқ хўжалигининг барча бўғинларида самарадорлик ва иш сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқаришни интенсивлашни, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикани планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун шахсий жавобгарликни кучайтириш масалалари партия, давлат ва хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

(КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қароридан).

МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ?

РЕЗЕРВЛАР — КАТТА БОЙЛИК

ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

Партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун қизғин кураш олиб бораётган Ўзбекистон саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва транспорт тармоқларининг аъзолари коллективлари меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Республика саноати беш йиллик тўртинчи йили маррасини муддатидан илгари эгаллади. Плондан ташқари 228,7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. 1978 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,8 процент ортди.

Имкониятлардан самарали фойдаланиш, янгидан-янги резервларни ҳаракатга келтириш қатнжасида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда сифати ортди. 1979 йилда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш олдинги йилдагига қараганда 8,8 процент кўпайди. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, қатор ташкилий ва техникавий тадбирлар туфайли республикада давлат Сифат белгиси билан тайёрлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми 1,2 процент ортиқ бўлди.

Бинокорлик ташкилотлари беш йилликнинг тўртинчи йилида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ўтган йили ундан олдинги йилдагига қараганда анча кўп асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Бир қанча ишлаб чиқариш объектлари қуриб битказилди. Ишлаб турган корхоналарнинг ишчиларининг ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 процент ортиқ бўлди. Бинокорлик ташкилотлари беш йилликнинг тўртинчи йилида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ўтган йили ундан олдинги йилдагига қараганда анча кўп асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Бир қанча ишлаб чиқариш объектлари қуриб битказилди. Ишлаб турган корхоналарнинг ишчиларининг ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 процент ортиқ бўлди. Бинокорлик ташкилотлари беш йилликнинг тўртинчи йилида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ўтган йили ундан олдинги йилдагига қараганда анча кўп асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Бир қанча ишлаб чиқариш объектлари қуриб битказилди. Ишлаб турган корхоналарнинг ишчиларининг ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 процент ортиқ бўлди. Бинокорлик ташкилотлари беш йилликнинг тўртинчи йилида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ўтган йили ундан олдинги йилдагига қараганда анча кўп асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Бир қанча ишлаб чиқариш объектлари қуриб битказилди. Ишлаб турган корхоналарнинг ишчиларининг ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 процент ортиқ бўлди. Бинокорлик ташкилотлари беш йилликнинг тўртинчи йилида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ўтган йили ундан олдинги йилдагига қараганда анча кўп асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Бир қанча ишлаб чиқариш объектлари қуриб битказилди. Ишлаб турган корхоналарнинг ишчиларининг ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 процент ортиқ бўлди.

Республикамиз саноат корхоналарининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари, қурилиш ва монтаж ташкилотларининг бунёдкорлари, транспортчилар ўнинчи беш йилликни барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлаш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Маҳаллий Советларга сайловлар шарафига кенг қулоч ёйган социалистик мусобақа ажойиб самаралар берянти. Башариятнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини меҳнатда юксак натижалар билан ишонлаш ҳаракати ҳар бир ишчи коллективида авж олмоқда.

1980 йил — ўшинчи беш йилликнинг якунловчи йили. Бу йилда ленинчасига, зарбдорчасига ишлаш юзасидан мамлакатимиз марказий районларида кенг қулоч ёйган шонли ҳаракат Ўзбекистон саноат корхоналари, қурилиш ва монтаж ташкилотлари, транспорт тармоқлари коллективлари томонидан астойдил қўллаб-қувватланмоқда.

Резервларни ҳаракатга келтириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, тайёрланаётган буюмлар сифатини яхшилаш, асосий фондлардан янада самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш имконини бермоқда. Илғор ишчи коллективларининг тажрибаси шундан далолат берадики, резервлар катта бойликдир.

Ана шу катта бойликдан ишнинг кўзини билиб фойдаланган коллективлар зафар марраларини кетма-кет эгалламоқдалар. Республикамиз корхоналарида доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача беш йиллик планларини, юксак социалистик мажбуриятларни адо этиш учун кураш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, саноат, қурилиш ва монтаж ташкилотлари ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Ўтган йилнинг натижалари синчиклаб таҳлил қилинадиган бўлса, нималар кўзга ташланади? Аввало имкониятлардан тўла фойдаланмаган 46 корхона, ишлаб чиқариш бирлашмаси 1979 йил давлат планларини бажармаганлигини таъкидлаш керак. Ўнлаб корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган планлар бажарилмай қолди. Республика Бинокорлик материаллари саноати, Озиқ-овқат саноати, Пахта тозалаш ва Маҳаллий саноат министрликларининг айрим корхоналари ўтган йилни муҳим кўрсаткичлар бўйича дуруст якунламаганликларидан тегишли хулоса чиқариб олишлари керак. Самарадорлик учун қатъий кураш олиб бориш лозим. Мебель, озиқ-овқат, енгил саноат корхоналарида маҳсулот сифатини янада ошириш учун қўшимча тадбирлар кўриш зарур.

ШОНЛИ САНАГА

Республикамиздаги ўн нафар ишлаб чиқариш илғорининг бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш юзасидан қимматли ташаббусига Наманганда КПСС XXV съезди номли аврли газламалар комбинати ишчилари якдиллик билан қўшилгандилар. Улар орасида пилла саралаш цехи сараловчиси Мавлудахон Тожибоева ҳам бор эди. У ўтган йилнинг сентябрь ойида ўз ваъдасининг устидан чиқди. Ҳозиргача плондаги 27870 килограмм ўрнига 87683 килограмм пилла саралашга эришиб, 1986 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот топширяпти. М. Тожибоева бундай муваффақиятга иш вақтининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш ва илғорлар тажрибасини қўлланиш туфайли эришди.

Моҳир сараловчи Мавлудахоннинг режалари янада кутлуғ. У доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача 1986 йил шахсий планини бажариб, шонли санага муносиб совға тайёрлашга аҳд этган.

А. АҲМЕДОВ.

Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикаси коллективи Саодат Тоҳировани моҳир ишчи, ажойиб мураббий, социалистик мусобақа пешқадамларидан бири сифатида ҳурмат қилади. Яқинда Саодат Тоҳировани ҳаётида катта воқеа рўй берди. Чеварлар коллективи уни 31-Каттабог сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

* * *

— Ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарамиз!

Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўплаб новаторлари ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида механика цехининг илғор токари Рауф Ҳамитов ҳам бор. Ҳозир у 1982 йил ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпти.

С. Султонов ва И. Глауберзон фотолари.

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАСИ ЭГАЛЛАНДИ

ТЕРМИЗ (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар ва доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун курашаётган Жарқўрғон пахта тозалаш заводининг илғор коллективи Сурхондарё областида биринчи бўлиб беш йиллик маррасини муваффақиятли эгаллади. Завод ўнинчи беш йилликка мўлжалланган ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш программасини 16 январь куни 110 процент бажарди. 106 миллион 130 минг ўрнига 117 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Завод ингичка толали пахта толаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ипак пахта толаси тайёрлаш беш йиллик плани 101 процент бажарилди ёки мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарига 48186 тонна тола ортиб жўнатилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган топшириқ 102 процент бажарилди.

Мусобақа карвонбошиларидан А. Юсупов бошлиқ бригада аъзолари, А. Мирзаев раҳбарлик қилаётган тайёр маҳсулотларни жўнатиш бригадаси ишчилари доҳий юбилейи кунигача 1981 йилнинг биринчи ярми топшириғини бажариш мажбуриятини олиб, ғайрат билан ишламоқдалар. Корхонанинг пешқадам ишчиларидан Мария Божок, Любовь Хоменко, Норбўта Маъдиев, Қурбон Иброҳимов ўртоқлар 1981 йил планларини 22 апрелгача бажариш иштиёқида баланд руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Корхона коллективи доҳий юбилейигача ўн биринчи беш йиллик ҳисобига беш миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 2500 тонна ипак пахта толаси, 5000 тонна сараланган уруғлик чигит тайёрлаш юзасидан қўшимча мажбурият олган.

А. ХАЛИЛОВ.

БРИГАДА ШАРАФИ

Боғот район йўл ремонт-қурилиш участкасининг Абдулла Эгамов бошлиқ бригадаси аъзолари КПСС Марказий Комитетининг 1980 йилни ленинчасига ишлаш йилига айлантириш ҳақидаги даъватини жон диллари билан қабул қилдилар. Коллектив доҳий юбилейигача ярим йиллик планни бажариш мажбуриятини олди.

Участка коллективи бу бригада ўз сўзининг устидан чиқишини яхши билади. Чунки, Абдулла Эгамов етакчилик қилаётган йўлсозлар социалистик мусобақада доим пешқадам. Улар ўнлаб қишлоқ йўлларини қурдилар, мавжудларини реконструкциядан чиқардилар ва аъло сифатли ремонт қилдилар. Бригада азаматлари ўтган йили Боғот пахта тозалаш заводининг ғарамлаш майдончаларини қисқа муддатда ремонтдан чиқариб, пахтакорларни ғоят мамнун қилдилар. Кейинроқ эса колхоз бозорига юқори савияда ободонлаштириш ишларини бажардилар.

Йўлсозлар бригада бошлиғини юқори малакали мутахассис сифатида ҳам, ундаги ҳалоллик, поклик, ғамхўрлик сингари инсоний фазилатларни ҳам юксак қадрлайдилар. Абдулла Эгамовдан ҳунар ўрганган, унинг мактабидан ўтган кечаги шогирдлари, масалан, Қуронбой Ўрозметов, Маҳкам Бобожонов, Шоназар Жуманиёзовлар ҳозир устоз билан ёнма-ён ишлаб, ўзларининг ажойиб касб эгаси бўлиб етишганликларини намойиш қилмоқдалар.

А. ВАЛУЙСКИЙ,
«Узоргтехдорстрой» трести ходими.

ҚЎЛИ ГУЛ ПИЛЛАКАШ

Марғилон ипак комбинатининг пиллакашлик корхонасида ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, ғайрат билан ишлаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Булар орасида коммунист Ҳожархон Ғаниева иш жойидаги резервлардан тўлароқ фойдаланишдаги тадбиркорлиги, тезкорлик усулларини пухта ўзлаштириб дадил жорий этиши, касб маҳоратини ошириши билан яхши ибрат кўрсатмоқда.

Машина-ускуналар қувватидан ва иш вақтидан рационал фойдаланиб, нормада кўзда тутилган 30 гажак ўрнига 60 гажакка хизмат қилаётган механтсевар пиллакаш яқинда катта зафар қучди. Беш йиллик бошидан буён у 8199,6 килограмм хом ипак ишлаб чиқариб, тўққиз йиллик шахсий нормани бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Маҳсулот сифатини яхшилашни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билган қўли гул пиллакаш Ҳ. Ғаниева ишлаб чиқаришнинг бу муҳим кўрсаткичига ҳам доимо эътибор бермоқда. Шу туфайли планда кўрсатилган 46 ўрнига 47,3 процент биринчи сортли хом ипак ишлаб чиқарялти.

Донгдор ишчи Ҳожархон Ғаниева В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ташаббуси билан майдонга чиқди. Ҳозир у доҳий таваллуди кунигача ўн йиллик планни адо этиш иштиёқида ғайрат билан ишлямоқда.

М. МАҲМУДОВ.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ МИНБАРИ

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИБ

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми меҳнат коллективларида туғилган илғор тажрибаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш зарурлигини яна бир карра таъкидлади. Меҳнатни ташкил қилиш соҳасида ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари қўлга киритаётган ютуқлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг битмас-туганмас резервларидан биридир.

Мана, ўн йилдирки, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобин бошчилик қилаётган коллектив бригада пудратини жорий қилишда ҳақиқий намуна кўрсатмоқда. У хўжалик юритишнинг янги шаклини қўлланишда катта мактабга айланди. Н. Злобин бригада пудрати усулида ишлашни ўргатиш учун кенг тармоқли умумтаълимни жорий этиш, яъни бошқалар учун ибрат бўлари эталон бригадалар, участкалар, бошқарма ва трестлар ташкил этиш зарур деган фикрда. Токи, бундай коллективлар меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шакл ва усулларини синаб кўриш ва жорий этиш учун ўзига хос синов майдончаси айлансин. Бу соҳада бизнинг бошқармамиз системасида муайян ишлар қилиди. Жумладан, «Жилстрой» трестининг монтаж бошқармасида Виктор Алексеевич Демидов бригадаси пудрат шартномаси тузиш асосида ишни ташкил этганига беш йил бўляпти. Демидов коллективида 20 киши бор. Бригада ўтган йили 6 та уй-жой биносини монтаж қилиб пардозлашга топширди. Бажарилган иш «яхши» деб қабул қилинди. Муҳими, ҳар бир уй-жой биносини тиклаш муддати ўртача 17 кунга қисқарди. Бригада меҳнат унумдорлигини ошириш план топширигини 111,7 процент адо этди. Бунинг эвазига бригада ўтган йили 1,5 минг сўмдан зиёд мукофот олди.

Бошқармамиз қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союз республика комитети билан ҳамкорликда «Жилстрой» трестида Демидов бригадаси негизида пудрат усулини ўрганиш ва оммалаштириш бўйича доимий илғор тажриба мактабини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ишга барча бригада бошлиқларини, инженер-техник ходимларни, энг аввало, хўжалик юритишнинг бу самарали усулини жорий этишга ўзи ёки бу тарада даҳлдор бўлган кишиларни жалб қилиш мўлжалланмоқда.

Бригада пудратини тобора кўпроқ жорий этишга катта аҳамият бераётган «Жилстрой» трести коллективи ҳақида кўпгина илиқ гапларни айтиш мумкин. Бу ерда пудрат шартномаси асосида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари салмоғи умумий ҳажмда 70 процентдан ошиб кетди. Иккинчи муҳим томони шундаки, ушбу трест бўлинмаларида пудрат шартномаси буюртмачилар билан бирга махсус монтаж ишларини адо этадиган ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан ҳам тузиляпти. Чунончи, «Ташсантехгазмонтаж» ва «Ўзэлектромонтаж» трестлари бўлинмалари ҳам янгича усулда ишлашни афзал кўришмоқда. Ўзаро ҳамкорликда пудрат шартномасини тузиш 6-трестда, 1 ва 2-уйсозлик комбинатларида ҳам анъанага айланмоқда.

Икки хил идорага қарашли бригадаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти, яъни поток пудрати деб аталмиш усул катта афзалликка эга. Бу усул қурилиш-монтаж ишларини жаддалаштириш билан бирга иш сифатини ошириш, иш вақтининг бекор ўтишини қисқартириш, брекка ва қайта тузатишларга йўл қўймаслик имконини бермоқда.

Ўтган йили бригада пудрати бошқа соҳаларда ҳам жорий қилинганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг бекободлик шофёр Ҳабибулла Абдужабборов тажрибасини кенг ёйиш тўғрисидаги қарорига жавоб, биз ўзимизнинг автотранспорт ишлаб чиқариш бошқармамиз корхоналарида бригада пудратини йўлга қаратилган кенг тадбирларни ишлаб чиқдик. Натижа ёмон бўлаётгани йўқ. Ўтган йили шу бошқарманинг 903 нафар ҳайдовчисидан иборат 40 бригадаси (бу жами ишчиларнинг қариб 40 процентига тенг) Н. Злобин методи асосида меҳнат қилди. Уларнинг кучи билан 15 миллион тоннадан ортиқ юк, ёки бошқача айтганда, барча ташилган материалларнинг 56,7 проценти қурилиш майдончаларига етказиб берилди. Бунда бригада пудрати усулига қўшилиб ишлаган ҳар бир шофёрнинг унумдорлиги транспорт бошқармаси бўйича умумий кўрсаткичдан 72 процент зиёда бўлди.

Капитал қурилишда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини тезлаштириш катта аҳамият касб этади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, бундай мақсадга эришишда меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг бригада шаклини янада ривожлантириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қурилишда самарадорликни ошириш ишларни кўплаб келтириш мумкин. 4-трестдан Содиқов, «Жилстрой» трестидан Третьяков, 1-уйсозлик комбинатидан Павловский ва Бруниченко бошлиқ бригадаларнинг тажрибаси ҳар томонлама диққатга сазовордир. Улар бригада пудратини жорий қилишга ижодий ёндашдилар. Бунинг учун инженерлик тайёргарлиги даражасини оширдилар. Ишлаб чиқариш-технология комплектациясини такомиллаштирдилар. Планлаштиришни пухталаб, ишлаб чиқариш, технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамладилар. Бир сўз билан айтганда, қурилиш ташкилотларининг барча хизмат бўлимлари план ва социалистик мажбуриятлар тақдири ҳал қилинадиган қуйи звеноларнинг ишини таъминлашга қаратилди.

Хўжалик ҳисобидаги бригада пудратини жорий қилиш бўйича топшириқлар қурилишнинг техникавий савиясини ошириш ва фан-техника ютуқларини қўллашга оид планларимизнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Шуни дадил айтиш мумкинки, бу усул иқтисодий сиёсатимизнинг бир қисми бўлиб қолди. Албатта, ҳали бизда ҳамма масалалар тўла-тўкис ҳал этилган, бригада пудратини жорий этишда расмиятчиликка барҳам берилган, деб бўлмайди. Пудратчи бригадаларни асоссиз равишда у объектдан бу объектга юбориш, уларни моддий ресурслар билан бир маромда таъминламаслик каби ҳоллар учраб турибди. Бундай хато ва камчиликларни тугатиш, айбдорларга нисбатан талабчанликни ошириш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрамиз.

Бош бошқарма 1980 йил охнригача уй-жой қурилишида жами ҳажмдаги ишнинг намида 70 процентини, саноат қурилишида эса 20—30 процентини бригада пудрати усулида адо этишга қарор қилди. Бунинг учун барча имкониятларга эгамиз.

Т. НАБИЕВ,
«Главташкентстрой» бошлиғи.

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

ҚОЛОҚЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Тахиатошда катта галла маҳсулотлари комбинати ишлаяпти. Комбинат уч заводдан ташкил топган.

Бир пайтлар шуҳрат қозонган комбинатнинг ҳозирги аҳволи кишини қаноатлантирмайди. Бу ерда сўнгги 11 ойда маҳсулот реализация қилиш планлари бажарилмади. Яъни 2,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот кам етказиб берилди. Бунга шоли, ун, аралаш озуқа ишлаб чиқарадиган заводларнинг бир меъёрда ишламаётганлиги сабабдир.

Аралаш озуқа ишлаб чиқарадиган заводга У. Бекбергенов раҳбарлик қилмоқда. Заводнинг иши аввалги йилларга нисбатан яхшиланди. Бироқ заводнинг кўпроқ тўхтаб қолиш ҳоллари содир бўляпти.

— Коллективимиз смена топшириқларини бажармаяпти, — деди У. Бекбергенов, — тайёрланган маҳсулотларни жўнатиш учун ҳар куни 7—8 вагон керак. Қорақалпоғистон темир йўл бўлинмаси раҳбарлари мунтазам равишда вагон билан таъмин қилмайди. Чунки комбинатнинг шохобча темир йўли ўзининг балансига ўтмаган. Комбинатга вагонларда хом ашё келтирилади. Уларни бўшатиб, шу вагонларга аралаш озуқа юклаб юборамиз. Омборлар маҳсулотга тўлиб кетади. Жойлаштириш мумкин бўлмасдан қоладн. Натижада завод тўхталадн. Унинг устига комбинатда меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Ишнинг сифат ва самарадорлиги устидан назорат тўла ўрнатилмаган. Янги технологияни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан мутахассислар, инженер-техниклар ва ишчиларга нисбатан талабчанлик бўшаштириб юборилган. Заводлар, цехлар, бригадалар, ишчилар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигини текшириш камдан-кам ўтказилади. Кадрларнинг ўзгинисизлиги туфайли тез-тез ўзгаришлар бўляпти. 11 ойда 240 киши ишдан бўшаган, 300 киши ишга қабул қилинган.

Шундай энг катта комбинатнинг нормал ишлашини таъминлаш учун Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги, «Спецэлеватормельстрой» трести ва унинг раҳбарлари шу кунги талаб ва масъулиятни сезиб, комбинат қурилишини тўла битказиш, план ва топшириқларнинг ошириб бажарилишини таъминлашлари лозим. Агар комплекс тўла-тўкис битказилмаса, бири иккинчисини, иккинчиси учинчисини рўкач қилиб, баҳона излайдиган бўлса, бу комбинат қолоқликдан чиқмайди.

27,7 минг тонна бўғдой жойланадиган элеваторнинг қурилиши 1979 йилнинг 1 январида битказилиб, фойдаланишга топширилиши керак эди. «Спецэлеватормельстрой»нинг 6-қурилиш поезди коллективи бу объектни муддатидан анча кечикиб битказди. Ўтган йилнинг ёз ойида 11 минг тонна бўғдой солинган эди. Яқин элеватор ёрилди. Суткасига 4 минг тонна буғ ишлаб чиқарадиган буғ қозони, подстанцияни реконструкция қилиш, қуввати 35 киловатт вольтли трансформаторни қуриш бошланмаяпти.

Ишчилар, инженер-техникларнинг унумли ишлашлари учун барча қулайликларни яратиш лозим. Комбинат Тахиатош шаҳридан бир минг километр олисда жойлашган. Шаҳардан комбинатга автобус қатнамайди. Бу ердаги 600 дан кўпроқ ишчининг ҳаммаси деярли Тахиатош, Хўжайли, Нукус шаҳарларида яшайди. Хўжайли — Комбинат, Комбинат — Хўжайли, Нукус — Комбинат, Комбинат — Нукус маршрути бўйича автобуслар қатновини йўлга қўйиш ҳақидаги масала бир неча марта ўртага қўйилди. У ҳалигача ҳал қилингани йўқ.

Комбинатдаги чала қурилишлар битказилмаса, заводларда суткасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг белгиланган нормалари бажарилмаса, меҳнат интизомида қатъий тартиб ўрнатилмаса, қолоқ корхона қолоқлигича қолаверади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

«Сибиряк» ғалла ўриш комбайни ишлаб чиқараётган красноярскдик машинасозлар тобланган пўлат гупчакларга механик ишлов беришда жиддий қийинчиликларга дуч келдилар. Негаки, гупчакларни жилвирлаш улардан кўп вақтни олар, натижада ниҳоятда қимматга тушарди.

Бу муаммони муваффақиятли ҳал этиш йўлини тошкентликлар топдилар. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ўта қаттиқ материалдан янги хил асбоб лойиҳалаштирилди ва уларнинг дастлабки тажриба-саноат туркуми тайёрланди. Янгилик Красноярск комбайн заводида ишлаб чиқариш синовидан ўтди.

Тобланган гупчакларни тошкентликлар яратган асбобда жилвирлаш аввалгига нисбатан меҳнат унумдорлигини уч-тўрт баравар оширди.

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси сибирликларга ёрдам беришда давом этмоқда. Яқинда тошкентликлар томонидан лойиҳаланган ва ишлаб чиқилган учта ноёб агрегат дастгоҳи Красноярск комбайн заводига жўнатилди.

Б. АКСАНИЧ,
бирлашма катта инженери.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети XV пленуми қарорлари—амалда

МАҲСУЛДОРЛИК ОШАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ғиждувон район партия комитетининг чорвачилик ривожини жадаллаштириш саҳасидаги иши тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарорда ғиждувонлик чорвадорлар КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, чорвачиликни ва ем-хашак етиштиришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш соҳасида катта иш қилаётганликлари, чорвачиликни ривожлантириш, самарадорлигини ва маҳсулдорлигини ошириш учун ички ревервлардан оқилона фойдаланаётганликлари қайд этилди.

Шуни мамнуннят билан айтиб ўтиш лозимки, бизнинг колхозимизда ҳам чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш борасида талай муҳим тадбирлар ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Ўничи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида давлатга гўшт, сут, тухум, жун ва қоракўл тери сотиш бўйича белгиланган планлар ошириб адо этилди. Чорвачилик юксалиш йўлига тушиб олди. Бундан атиги тўрт йил илгари колхозда чорвачилик зарар кўриладиган тармоқ саналарди. Маҳсулдорлик паст эди. Бош сони ҳам камайиб кетган эди.

Биз район партия комитети билан бамаслаҳат иш тутиб, чорвачилик тармоқларини ёш, сергайрат, иш биладиган мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлашга қарор қилдик. Чунончи, колхозда бир неча йил бош зоотехниклик қилган, кейинчалик колхоз партия комитетига секретарь этиб сайланган Субхон Сафаровга чорвани кўтариш вазифаси юкланди. У қорамолчилик фермасига мудир этиб тайинланди. Чорвачилик иши қаттиқ назорат остига олинди. Натижа ёмон бўлмади, албатта. Чорвачиликдаги ўрта звено мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланган ўзининг самарасини кўрсата бошлади. Ўничи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида қўлга киритилган галабалар буидан ёрқин далолат бериб турибди.

Айниқса, 1979 йилда қуйончли ютуқларга эришдик. Чорва маҳсулдорлиги кескин кўпайди. Давлатга пландан ташқари 30 тонна гўшт, 14 тонна сут, 26 минг дона тухум сотилди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори бир йил ичида 200 килограммга кўпайди. Ўтган йилнинг ноябрь якуни бўйича колхозимиз азамат чорвадорлари республикамиз партия ва ҳукматининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Байроқни қўлдан бермаслик чораларини кўрмоқдамиз.

Айни пайтда аҳолининг чорва маҳсулотларга бўлган юксак талабларини қондириш кун тартибидаги бош вазифа этиб қўйилди. Бунинг учун фақат қорамол ёки парранда билан кифоланиб бўлмайди. Биз шуни ҳисобга олиб, сердаромад ҳисобланган ва тез кўпаювчи чўчқачилик, қуёнчилик тармоқларини ҳам ташкил этдик. Ҳозир хўжалигимизда қорамоллар 800 бошга, қоракўл қўйлари 2000 бошга, парранда 6000 бошга, қуёнлар 100 бошга, чўчқалар 100 бошга етказилди.

Биз чорвачиликни 1980 йилда янада ривожлантириш тадбирларини белгилаб олдик. Масалан, қорамоллар 1000 бошга, қоракўл қўйларк 4 минг бошга, парранда 10 минг бошга, чўчқалар 500 бошга етказилади. Шу билан бирга, уларнинг маҳсулдорлиги оширилади. Чорвачиликдан олинадиган даромад 30 процент ортади. Айниқса, қоракўлчилик тез суръатлар билан ривожлантирилади. Янги қўйхоналар, иссиқ қўралар қуришни тезлаштирямиз. Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаймиз.

Қорамолчиликни бутун чоралар билан ривожлантирамиз. Биз ўзимизда етиштириладиган гўшт, сут, тухум билан боғча-яслиларни, мактаб ўқувчиларини, чўл зонасида ишловчи колхозчиларни таъминлабгина қолмасдан, балки келгусида барча меҳнатчиларимиз хонадонларини ҳам маъмур этамиз.

Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришни таъминлаш ҳар доим партия ташкилоти ҳамда колхозимиз правлениесининг диққат марказида бўлаётир. Бу масала правление йиғилишларида, партия комитети мажлисларида мунтазам муҳокама қилиниб бориляпти. Чорвачилик масаласи кўрилаётган йиғилишларда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни зудлик билан бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланаётир. Натижаси яхши бўлмоқда. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 380—400 килограммга етказиб гўштга топширмоқдамиз. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори эса йилига 200—250 литрга кўпайтирилмоқда.

Шуни фахр билан айтиш керакки, азамат чорвадорларимиз бир йил ичидаёқ гўшт етиштиришни 35 процент, сутни 20 процент, тухумни 35 процент кўпайтириб, юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан уддаладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида сўзлаган гоят сермазмун нутқида ҳамманинг диққатини 1980 йилги мураккаб, аммо бажарилиши ва ошириб бажарилиши лозим бўлган план-топшириқларга жалб этди. Бунинг учун аввало халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, ҳар бир ишлаб чиқариш ячейкасида юксак талабчанлик, уюшқоқлик, ишда ижодий муносабат вазиятини вужудга келтириш керакligи алоҳида уқтирилди.

Колхозимиз меҳнаткашлари бу қимматли фикрлардан ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олиб, ўничи беш йилликнинг якунловчи — 1980 йилини рекорд кўрсаткичлар йилига айлантириш учун қизғин кураш бошлаб юбордилар. Бунинг учун биринчи навбатда алмашлаб экиш схемасини кенг жорий этамиз, беда, маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинлар майдонини камида 80—100 гектарга кенгайтирамиз. Гектаридан олинадиган маккажўхори донини 100 центнердан ошириб юборамиз, беда ҳосилдорлигини кўпайтирамиз.

Хўжалигимиз асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган. Биз 1980 йилга мўлжалланган юксак социалистик мажбуриятларни белгилаб олаётган эканмиз, пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 40 центнерга, ялпи даромадни 4 миллион сўмга етказишга қатъий қарор қилдик. Шу жумладан, чорвачилигимизни ҳам юксалтириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ҳам асосий эътиборни қаратяпмиз. Ер йил гўшт етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан 25 процент, сутни 22 процент, тухумни 30 процентга кўпайтирамиз. Фақат чорвадан келадиган даромадимиз камида 25 процент кўтарилади.

Хўжалигимизда бузоқ олиш йил сайин кўпайтириляпти. Фермаларимизда типовой сигирхоналар, қўйхоналар, чўчқа, қуён, парранда боқиладиган махсус бинолар қурилиб, иш жараёни механизациялаштирилянти. Чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа байроғи ҳар қамчиғидан баланд кўтарилмоқда. Раъно Сатторова, Гулсара Ҳидирова, Гулнора Жўраева, Фотима Шоҳиева синагари илғор сут соғувчиларимиз ҳар бош сигирдан 2,5—3 минг литрга етказиб сут соғиб олиш учун кураш бошлаб юборишди.

Бу йил март ойида колхозимизга Ленин номи берилганининг 50 йиллигини кенг нишонлашни планлаштирямиз. Биз шу қутлуғ сана шарафига ва доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги юбилейига муносиб тўёналар тайёрлаш мақсадида меҳнат ғайратимизни янада оширмоқдамиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми қарорларида белгиланган тадбирларни тўла бажариш учун ҳамма резерв ва имкониятлардан кенг фойдаланамиз. Пленумда белгиланган тадбирлар бизга чорвачиликни юксалтириш истиқболларини ёрқин кўрсатиб турибди. Биз шу йўлдан бораверамиз.

М. ТИЛЛАЕВ,
Бухоро область Шофиркон районидаги Ленин номли колхоз раиси.

Э. ИМОМОВ,
колхоз партия комитети секретари.

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Наманган область Уйчи район Жийдакапа қишлоқ Советидаги 21-Охунбобоев сайлов участкасига қарашли агитпунтга 32 агитатор уюшган. Улар аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни авж олдирмоқдалар. Суратда: (чапдан) агитаторлардан Ҳ. Муҳиддинов, Н. Имомов, П. Салимова, М. Нуриддинова, Р. Азизовалар сайловчилар ҳузурига отланмоқдалар.

А. Юсуфбоев фотоси.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

ИБРАТ

Деҳқон фарзанди Машариф ёшлигидан меҳнатсевар бўлиб ўсди. Мактабда ўқиб юрган кезларида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасига аъзо бўлиб, дала ишларида фаол қатнашди. Ўрта мактабни тамомлагач, ўзи ўсибулғайган қишлоғидаги «Победа» колхозида оддий колхозчи бўлиб ишлади, меҳнатда фидойилик кўрсатди. Хива қишлоқ хўжалик техникумининг механизация бўлимини тамомлаб, тракторчилик қила бошлади.

— Қўриқ ерларни ўзлаштириб, бойликлар манбаига айлантираётган ажойиб кишилар тўғрисида кўпгина асарларни ўқиганман. Уларга кишининг ҳаваси келади. Мана энди Амударё соҳилидаги Мошўқайни ўзлаштириш, қамишзорни шоли конига айлантириш учун юриш бошланди. Мен янги ер очаётган азаматлар сафига боришга азму қарор қилдим, — деди Машариф бир куни онаси Зуҳра холага.

— Баракалла, ўғлим. Раҳматлик дадангнинг айтишига қараганда, ўтмишда ерсиз деҳқонлардан айримлари тўқайда бир парча ер очишиб, мош экишган «Мошўқай» деганлари шундан қолган. Ер очиш — савоб иш. Ризқ-рўз кўпаяди. Борақол, ўғлим!

Машарифнинг эзгу ниятини умр йўлдоши Рўзигул ҳам мамнуният билан маъқуллади. Шундай қилиб, 1965 йилнинг қиш палласида у Мошўқайга отланди. Механизаторлар сафига қўшилиб, янги ер очди, кейинчалик бригадага бошчилик қила бошлади.

Қамишзор ўзлаштирилиб, Мошўқайда ал-Хоразмий номли совхоз барпо қилинди. Эндиликда совхоз областнинг йирик ва пешқадам шоликор хўжалигига айланди. Ўничи беш йилликнинг тўртинчи йилида шолининг ялпи ҳосили 23 минг тоннага, ҳар гектар майдоннинг ҳосилдорлиги 65 центнерга етди. Хўжалик эришаётган ютуқларда донгдор шоликорларнинг, рекорд ҳосил усталарининг улушлари катта. Улардан бири — оловқалб коммунист, бригада бошлиғи Машариф Собировдир. У бригадага ўн уч йилдан буён раҳбарлик қилмоқда. Шу давр ичида план, социалистик мажбурият бажарилмаган йил бўлмади. Дастлабки йили янги ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Ҳосилдорлик йилдан-йилга оша борди. Ўничи беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида ҳар гектар майдоннинг ўртача ҳосилдорлиги 70 центнердан кўпроқни ташкил этди.

Қўлга киритилган бу муваффақиятлар аввало, бригада шоликорларининг меҳнат жасорати самараси, айни вақтда бригада бошлиғи М. Собировнинг ишлаб чиқаришга моҳирлик, тадбиркорлик билан раҳбарлик қилаётганлиги, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни деҳқончиликда жорий этишда дадиллик, қатъиятлик билан иш кўраётганлиги натижасидир.

Пешқадам бригада коллективи беш йилликнинг якунловчи йилида янги юксак уфқларни ўзламоқда. Шоликорларнинг бу йилги марраси — 80 центнер. Бригадада ҳозирданоқ рекорд ҳосил учун пухта замин яратилянти.

Ишлаб чиқариш командирига хос ғўзал фазилатлари, талабчанлиги меҳрибонлик билан, принципиаллиги камтарлик билан қўшиб олиб бориши, ўз билимини ошириш устида қунт билан ишлаш Машариф Собировга ҳурмат ва обрў келтирди. 1976 йилда у КПСС аъзолигига қабул қилинди. Кўкрагида Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Шавкатли меҳнати учун» медали ярқираб турибди.

Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхоз колективи донгдор шоликор Машариф Собировга юксак ишонч билдириб, уни 473-Калинин сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига якдиллик билан номзод қилиб кўрсатди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

НАМАНГАН (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Тўрақўрғон ва Поп районларининг чорвадорлари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, моллар туёғи ҳамда маҳсулдорлигини кўпайтиришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Яқинда ҳар икки район меҳнаткашлари вакиллари чорва қишловининг қай тарзда ўтказилаётганлигини ўзаро текшириб чиқдилар. Ютуқларни ўртоқлашиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан маслаҳатлашиб олдилар.

Тўрақўрғон районн хўжаликларида 8,2 мингдан кўпроқ қорамол, 28 минг бошга яқин қўй ва эчки, 18,5 минг бош парранда парваришланмоқда. Ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, барча чорвачилик фермалари, қўйхоналарда ем-хашак, сенаж ва силосдан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. К. Маркс номли, «Ўзбекистон», «Намуна», «Шарқ юлдузи» колхозларида хашак майдалаш, буғлатиш агрегатлари қувватидан юқори унум билан фойдаланилмоқда. Чорвадорларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилган.

Карл Маркс номли колхоз сут-товар фермасида чорва қишловида, айниқса, уюшқоқлик кўрсатилаётгани мусобақадошлар диққатини тортди. Бу ерда Меҳринисо Қозоқова ва унинг ҳамкасблари қиш ойларида ҳам ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сут миқдорини камайтирмаслик, аксинча кўпайтириш тадбирларини кўрмоқдалар. Моҳир сут соғувчи ўтган хўжалик йилида ҳар бош согин сигирдан 4000 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олган эди. Унинг бу йилги марраси — 4500 килограмм. Январь ойининг ўтган даври мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдорини 7—10 килограммданга кўпайтирди. «Партия XXV съезди» колхози соғувчиси Саодат Хотамова ҳам 1980 йилнинг дастлабки декадасиданоқ юқори кўрсаткичларга эришаётир.

Мусобақадошлар райондаги баъзи хўжаликларда чорва қишловини ўтказишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилганлигини ҳам аниқладилар. Жумладан, Димитров номли, Калинин номли колхозларда хашак майдалаш машиналари ишлатилмаяпти. Чорва туёғи, унинг маҳсулдорлигини оширишга етарли эътибор берилмаяпти. Ем-хашакдан фойдаланиш, чорва биноларини иситиш устидан етарли назорат ўрнатилган эмас. Қўзиларатиш мавсумига тайёргарлик сust. Мусобақадошлар аниқланган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш юзасидан фойдали маслаҳатлар беришди.

Поп области колхоз ва совхозларида ҳам чорва қишлови намуналн уюштирилган. Бу ердаги чорва фермалари, яйловларда салкам 12 минг бош қорамол, 85 минг бошдан кўпроқ қўй ва эчкилар қишдан семиз ҳамда соғлом олиб чиқилаётир. В. И. Ленин номли Поп территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Найман», «Коммунизм» синагари пешқадам хўжаликларда чорвадорлар учун қулай шароитлар яратиб берилган.

Бироқ райондаги «Правда», «Ленинград» колхозларида туёқ сони камайиб кетган. Маҳсулдорликнинг пасайишига йўл қўйилган. Чорва бинолари ремонти чала-чулпа ўтказилган. Бу камчиликларни тузатишга қаратилган маслаҳатлар берилди.

Чорвадорларга ғамхўрликни кучайтириш, уларга ҳар қачонгидан ҳам меҳрибонлик кўрсатиш ҳар икки район партия, совет ташкилотларининг диққат марказида турибди. Яйловларга кўпроқ озиқ-овқат, иссиқ кийимкечак, дори-дармонлар юборилмоқда. Чорвадорлар ўртасида бўлажак сайловлар шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириш, партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга кўпроқ эътибор берилмоқда. Кўчма автолавкалар, сайёр дўконлар, медпунктлар, агитгруппалар, бадиий ҳаваскорлик коллективлари юборилмоқда. Буларнинг ҳаммаси қишловни бенуқсон ҳамда талафотсиз ўтказишни таъминламоқда, моллар маҳсулдорлигини оширишнинг зарур омили бўлаётир.

Т. НАЗИРОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«АНТИҚА ТАЖРИБА»

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: ижроком ўз мажлисида «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган (12 декабрь 1979 йил) «Антиқа тажриба» сарлавҳали мақолани муҳокама қилиб, унда ўз ҳисоботларидаги фактларни тўғри, деб ҳисоблайди.

Хизмат вазифасидан шахсий мақсадларда фойдаланганлиги учун шаҳар Совети ижроия комитети қарорига кўра, ижроком ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Раҳматуллаев вазифасидан олинди ва унга қаттиқ партия жазоси берилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси зиммасига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шаҳар объектларини озода тутиш, жиҳозлаш ва уларга сарфланадиган маблағлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва бу ишларни кучайтириш каби вазифаларни юклади.

БАҲОР ТАРАДДУДИ

Республикамиз хўжаликларида техника воситаларини мавсумга шайлаш ишлари авжида. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда эълон қилинган «1980 йил кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўриш ва бу ишларни ўтказишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ўничи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришда баҳорги ишларга пухта тайёргарлик кўриш алоҳида таъкидланади.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Янгиқўрғон районидаги Ильич номли колхоз меҳнат аҳли барча тракторларни кўкламги дала ишларига шай қилиб қўйди. Социалистик мусобақа пешқадамлари М. Юсупов, Т. Султонов, А. Рашидбоев механизмларни ремонт қилишда фидокорлик кўрсатишди. Улар ўзларига бириктирилган машиналар ремонтини муддатидан илгари тугаллаб, ўз ўртоқларига кўмаклашдилар.

ИХТИСОСЛАШТИРИШ САМАРАСИ

«35 селлканинг барчаси жуда соз ремонт қилинган». Комиссия аъзолари Изboскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг С. Йўлчиев бошлиқ ремонтчилар бригадаси ишига шундай баҳо беришди. Ремонтчилар механизмларни ўтган йилдагидан бир ҳафта илгари шай қилиб қўйишди.

Машина механизмларни маълум турларга ажратиб, группаларга бўлиниб ремонт қилиш хўжаликка катта фойда келтирмоқда. Р. Жабборов бошлиқ бригада ғалла ўриш комбайнларини, Я. Имомназаров етакчилигидаги ремонтчилар эса тракторларни ремонт қилади. Н. Содиқов ўз ҳамкасблари билан суғориш тармоқларини баҳорги ишларга шайлайди. Бу хўжаликда меҳнат унумдорлигини йил сайин ошириш имконини бермоқда.

Оламда нима гап

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Сурия Араб Республикаси раҳбарларининг таклифига биноан 27 январда расмий дўстона визит билан Москвадан САРга учиб кетди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

А. А. Громико шу куни Дамашққа келди.

СССР ва САРнинг давлат байроқлари билан безатилган аэропортда уни Сурия бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Абдухалил Ҳаддам ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг САРдаги элчиси В. И. Юхин бор эди.

А. А. Громико Дамашққа келиши билан қуйидаги баёнотни берди.

Биз дўст Сурия пойтахтига ҳар иккала мамлакат раҳбарларининг катта аҳамият бераётган сиёсий маслаҳатлашувни ўтказиш учун келдик.

Кейинги вақтларда империалистик доираларнинг, биринчи навбатда АҚШнинг милитаристик агрессив ҳаракатлари натижасида анча кескинлашган умумий халқаро вазият, шунингдек Яқин ва Ўрта Шарққа доир конкрет масалалар хусусида фикрлашиб олинади.

Мен ўйлайманки, фикрлашув муваффақиятли ва натижали бўлиб чиқишига амин эканлигимни билдирсам хато қилмаган бўламан. Совет Иттифоқи билан Сурия ҳозирги замоннинг асосий проблемаларига бир хил ёндашмоқда. Биз Яқин Шарқ ишларига нисбатан Сурининг тутган принципиал йўлига, шу районда чинакам мустаҳкам тинчликка эришиш учун курашга унинг қўшган ҳиссасига юксак баҳо бераميз. Ўз навбатида бизнинг суриялик дўстларимиз ҳам Яқин Шарқдаги низони бартараф этиш масалаларида Совет Иттифоқининг позицияси ўзгармас эканлигини биладилар ва арабларнинг ҳаққоний ишини қўллаб-қувватлашимизга ишонишлари мумкин.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, Сурия меҳнаткашларига, шонли, қадимий ва навқирон Дамашқ шаҳри аҳолисига дўстлик ҳис-туйғуларини изҳор этишни ва муваффақиятларга эришувини истаганлигимни билдирмоқчиман.

* * *

27 январь куни Дамашқда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Сурия Араб Республикаси раҳбарлари ўртасида музокаралар бошланди.

Халқаро вазиятнинг баъзи муҳим масалалари, шу жумладан Яқин ва Ўрта Шарқдаги аҳвол муҳокама қилинди.

(ТАСС).

ДАМАШҚДАГИ УЧРАШУВ

ДАМАШҚ, 28 январь. (ТАСС). Бу ерда Сурия Тинчлик тарафдорлари миллий кенгашининг раиси, араб социалистик Уйғониш партияси умумараб раҳбарлигининг аъзоси Жорж Соддиқни билан Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети президиумининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов бошчилигидаги бу ерга келган Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Музокаралар давомида Сурия тинчлик тарафдорлари миллий кенгаши билан Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети ўртасида Жаҳон Тинчлик Кенгаши доирасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиб бориш йўллари муҳокама қилинди. Халқаро аҳволни муҳокама қилиш чоғида Ўрта ва Яқин Шарқдаги вазиятга асосий эътибор берилди. Томонлар Миср—Исроил сепарат тил бириктируви барбод қилинган, Исроил қўшинлари араблардан босиб олинган ҳамма ерлардан олиб чиқиб кетилган ва Фаластин халқининг дахлсиз миллий ҳуқуқлари таъминланган тақдирдагина Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликка эришиш мумкинлигига ишонч изҳор қилдилар.

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ТЕВАРАГИДА

ТЕҲРОН. Теҳрон радиосининг хабар қилишича, Эрон маъмурлари собиқ шоҳнинг Эронга қарши жиноятларига оид ҳужжатларни тайёрламоқдалар ва гувоҳларнинг шоҳидликларини тўпламоқдалар.

Форс агентлигининг хабар қилишича, Эрон нефть министри Моинорар бу ерда сўзлаган нутқида бундай деди: башарти Япония Қўшма Штатларнинг Эрон революциясини иқтисодий жиҳатдан бўғиш мақсадида планлаштираётган тадбирларида қатнашадиган бўлса, менинг мамлакатим Японияга нефть экспорт қилишни тўхтатади. Ҳозир Япония Эрондан ҳар куни 600 минг баррелдан кўпроқ нефть харид қилиб, кўп жиҳатдан мана шу нефтнинг етказиб берилишига қарам бўлиб турибди. Япония Вашингтонга эргашмаётганини ва мустақил сиёсат ўтказаётганини исботлаши лозим, деди министр.

Министр Эроннинг жанубидаги Ҳузистон вилоятида иккита нефть қувурида портлаш содир бўлганини айтдию, аммо портлаш сабабларини аниқлаб бермади. Портлаш натижасида нефть қувурларидан бирида ёнғин чиқди, уни тез ўчиришга муваффақ бўлинди.

ТЕҲРОН. Эронда мамлакат тарихида биринчи бор ўтказилган президент сайловидаги овозларни санаш давом этмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, шу пайтгача ҳисоблаб чиқилган 8 миллион овоздан 7 миллиони Эрон экономика ва молия министри Бани Садр учун берилди.

Бани Садр Парижда чиқадиган «Матен» газетасининг мухбири билан суҳбатда Эрон билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатларда кўп муаммолар бор, деди. Шунга қарамай, деди у, гаровга ушлаб қолинган американликлар тўғрисидаги масала деярли автоматик тарзда ҳал этилиши мумкин. Бу ўринда эҳтиёт жиддий қийинчиликлар йўқ, чунки у иккинчи даражали ишдир.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ЯНГИ ПАКТ ТУЗИЛМОҚДА

Япония бош министри М. Охира Австралия билан Янги Зеландияга сафар қилди. Расман у қилган визитнинг асосий мақсади Японияни муҳим энергетика ва саноат хом ашёси манбалари билан таъминлашга уринишдан иборат эди. Аммо музокара якунларининг кўрсатишича, Японияннинг бош министри айни шу ишда муваффақиятга эриша олмади. Охираннинг шериклари Японияга уран, тошкўмир, темир рудаси, дон ва гўшт юборишни кўпайтириш эвазига ундан Австралия ва Янги Зеландиядан тайёр буюмлар келтириш хусусидаги савдо-сотиқ чекловини заифлаштиришни талаб қилдилар. Япония томони бу масалани ўрганиб чиқишга ваъда берди, аммо конкрет мажбуриятлар олмади.

«Тинч океан ҳамжамияти» тузиш ғояси музокаралар қатнашчиларида айниқса завқ-шавқ уйғотди. Шу хусусда Канберра билан Веллингтонда эълон қилинган баёнотларда лойиҳаланаётган янги «ҳамжамият»нинг «иқтисодий ва маданий» характерига эътибор берилди. Аслида эса ҳамжамиятнинг бошқа бир жиҳати ҳам борки, унинг замирида Қўшма Штатлар турибди. Американинг «Нью-Йорк таймс» газетаси Ж. Картер маъмуриятининг ташқи сиёсатидаги бурилиш моҳиятини очиб, унинг «шу тахлитдаги системаларда давлат секретари Даллес стратегик дипломатиясига хос бўлган каттакатта иттифоқлар тузишга эътибор бериш» иштиёқида эканлигини таъкидлаганлиги бежиз эмас.

Вашингтон «Тинч океан ҳамжамиятини» яратиш билан Тинч океан районида икки томонлама шартнома тузган Япония билан АНЗЮС блокини битта қилишни мўлжалламоқда. Австралия билан Янги Зеландия ана шу блок қатнашчиларидир. Уларнинг ҳаммаси Қўшма Штатлар билан Канада мўлжаллаётган «Тинч океан ҳалқаси» ҳарбий денгиз машқларига қўшилишлари бежиз эмас.

Шу регион давлатларидаги тараққийпарвар жамоатчилик янги «ҳамжамият» тузиш планини Вашингтон бу мамлакатларни Америка империализми тузган агрессив блоклар системасига тортишга бўлган навбатдаги уринишдир, деб билмоқда. «Тинч океан ҳамжамияти» ва «Тинч океан ҳалқаси» машқларига АҚШ ҳомийлигидаги НАТО, АНЗЮС блоклари ҳамда Япония—Америка хавфсизлик шартномаси занжиридаги боғловчи бўғин роли берилмоқда, деб таъкидлайди Японияннинг «Акахата» газетаси.

Япония халқи шу хавфли режаларни рад этиб, бутун мамлакатда: «Еримиздаги Пентагон базалари йўқотилсин!», «Япония АҚШнинг агрессив ниятларига шерик бўлмайди!» деган шиорлар остида оммавий норозилик намойишларини ўтказмоқда. Мана шу шароитларда Японияннинг ҳукмрон доиралари ва милитаристик тил бириктиришнинг қолган қатнашчилари ўз ниятларини ниқоблашга мажбур бўлиб, ўз олдиларига қўйган мақсадларга халқлардан пинҳона равишда эришиш пайидан бўлмоқдалар.

МУХОЛИФЛИК ЙЎЛИДАН

АҚШ президенти Ж. Картер конгрессда «мамлакатнинг аҳволи тўғрисида» анъанавий доклад қилди. Мана шу узундан-узоқ ҳужжатда Вашингтон маъмуриятининг президент сайлови йили — 1980 йилдаги ташқи сиёсат программаси баён этилган. Унда АҚШнинг жаҳонга ҳукмрон бўлиш тўғрисидаги даъвати ошкора ўртага қўйилган, мухолифлик йўли ва кескинликни юмшатиш ютуқларидан бўйин товлаш йўли эълон қилинган, ҳарбий қудрат ва кучга таяниш концепцияси илгари сурилган.

Президентнинг докладида унинг ўзи илгари баён этиб берган АҚШ ҳукуматининг 80-йилларда халқаро майдондаги фаолиятининг «бош йўналиши» деб аталган беш йиллик милитаристик программа батафсил таърифлаб берилган. Унда Америка халқидан «мамлакатнинг дунёдаги устунлик ролини қарор топтириш» учун «лозим бўлган ҳар қандай ҳақни тўлаш» ва «беш йиллик программани амалга ошириш талаб қиладиган қурбониларни» беришга тайёр бўлиб туриш талаб қилинади.

Докладдан маълум бўлишича, АҚШ Яқин Шарқ ва Форс кўрфази районларида АҚШнинг манфаатдорлиги ўсиши баҳонаси билан Эронга нисбатан ҳарбий ва иқтисодий дўқ-пўписа сиёсатини давом эттиришни мўлжалламоқда. «Бу регион бутун дунёдаги нефтнинг экспорт қилинадиган учдан икки қисмини бермоқда», — деб таъкидлайди Ж. Картер.

Президентнинг доклади ҳарбий харажатларни ҳар йили қисқартириш тўғрисида ўз вақтида мана шу президент берган ваъда нари борса сайловолди найрангбозлигидан иборат бўлганлигига шубҳа қолдирмайди. «Ҳар йили, — деди у, — 1976 йилдан бошлаб (яъни Ж. Картер президент қилиб сайланган пайтдан буён) мудофаага қилган харажатларимиз реал тарзда ортиб борди». 1981 молия йилига ҳам АҚШнинг ҳарбий харажатлари 158 миллиард доллардан иборат рекорд миқдорда белгиланди. Бу — реал пул билан ифодалаганда 1980 йилги харажатлардан беш процент кўп бўлади.

АҚШ маъмурияти ҳарбий хавфни камайтириш соҳасидаги, тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролланиш пойгасини чеклаш соҳасидаги халқаро куч-ғайратларни қўпориш йўлини яна ҳам ривожлантириб, Совет Иттифоқи билан «совуқ уруш» тилида гаплашишга уринмоқда. Докладда Совет Иттифоқини ўзининг принципиал йўли учун «қиммат ҳақ» тўлашга мажбур этиш тўғрисидаги дўқлар янграб эшитилди. Ж. Картер Совет Иттифоқига нисбатан АҚШнинг шартномавий мажбуриятларига хилоф равишда ўзбошимчалик билан кўрган камситувчилик чораларини мақтаб гапирди.

Бироқ, Вашингтондагилар Совет Иттифоқининг мустаҳкамлигини «ла синаб кўриш»га нақадар уринмасинлар, бу машмашалар мағлубиятга маҳкум этилган. Шу муносабат билан бундан илгари ҳам бизнинг мамлакатимиз билан зўравонлик тилида гаплашишга беҳуда уринib кўрган кимсаларнинг аянчли қисматини эслатиб ўтиш мумкин. Ҳеч ким Совет Иттифоқини кескинликни юмшатишга қаратилган ва изчил тинчликсеварликни агрессорга қаттиқ зарба бериш билан қўшиб олиб бораднган сиёсатидан йўлдан тойдира олмайди.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

ЭНГ ДЕМОКРАТИК АНЖУМАН

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳар икки йилда, май ойида Тошкентда бўлиб ўтаётган анъанавий халқаро кинофестивалида республикамизнинг таниқли кинорежиссёрлари, операторлари, актёр ва актрисалари ҳам мунтазам актив иштирок этмоқдалар. СССР халқ артисти Йўлдош Аъзамов худди шундай санъаткорлардан. Ў Тошкент фестивалининг моҳиятини яхши билади, уч қитъанинг жуда кўп киноарбоблари ва уларнинг фильмлари билан яқиндан таниш. Шу боисдан бўлажак кинофестиваль ҳақидаги суҳбатларимизнинг биринчисини ҳурматли кинорежиссёримиз билан ўтказишга қарор қилдик.

— Тошкент фестивали ҳақида гапираётган бўлсак, — дейди Йўлдош Аъзамов, — энг аввало КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг қуйидаги сўзларини эслашимиз керак: «Уч қитъа кино усталарининг учрашувлари дўстлик ва ижодий ҳамкорлик муҳитида ўтмоқда. Бу учрашувлар планетада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқларнинг ижтимоий ва маданий ривожланиши, миллий мустақиллик ва демократия учун кураш вазифаларига мос бўлиб тушмоқда, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги тараққийпарвар санъат арбоблари ўртасидаги, дунёдаги барча мамлакатлар кинематографчилари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда».

Фестиваль айни вақтда бутун жаҳон кино санъатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшяпти. Унинг тажрибаларни ўзаро баҳам кўриш, ҳозирги замон киносини ривожлантиришнинг энг долзарб проблемалари ва йўлларини кўпчилик бўлиб муҳокама қилиш учун яратиб бераётган имкониятлари бебаҳодир. Фестивалимиз — улкан кўзгу. Унда уч қитъа тараққийпарвар кинематографияси равнақ топиб бораётганлигининг объектив манзараси гоят равшан акс этмоқда. Тошкент кўригида ютқазганлар бўлмайди, эндигина ўзининг илк киноленталарига эга бўлаётган ёш, ривожланаётган мамлакатлар кинематография соҳасида аллақачон довруқ таратган, киностудияларида йилига юзлаб фильмлар ишлаб чиқариладиган давлатлар билан бир сафда қатнашадилар.

— Шунинг учун ҳам кинофестивалда иштирок этувчи қитъалар аллақачон никитадан учтага кўпайди, мамлакатлар, қатнашчилар кўпайиши эса, муттасил давом этаётир.

— Тўғри. Агар 1968 йилдаги биринчи фестивалда 49 мамлакат иштирок қилган бўлса, бу рақам иккинчи фестивалда 62, учинчисида 72, тўртинчисида эса 109 тага ўзгарди. Етмиш саккизинчи йилдаги бешинчи фестивалда эса, Тошкентга ўз вакилларини юборган давлатлар ва ташкилотлар сони янада ошиб кетди.

— Ўтган беш фестивалнинг энг яхши фильмлари деб қайси картиналарни айта оласиз?

— «Интервью», «Яшасин муҳаббат!», «Аёллар ҳақида ҳикоя», «Севги қиссаси» (Ҳиндистон), «Хотин», «Биринчи қадам» (Монголия), «Ханойда бир кун» (Вьетнам), «Янги мактаб» (Куба), «Ишончли қалқон» (Сурия), «Биз нечун қўлимизга қурол ушлаганмиз» (Фаластин), «Она табассуми» (Аргентина), «Уч йўл кесишган жойда» (Шри Ланка), «Бу —Пеле» (Бразилия)лар ана шундай бадиий ва ҳужжатли фильмлардир. Расмий қатнашчилар, меҳмонлар, шунингдек, ўзбекистонлик санъат мухлислари томонидан илиқ кутиб олинган бу асарларда тарих ва ҳозирги замоннинг қизиқарли воқеалари тасвирланади, жонажон Ватани ва халқининг озодлиги, бахт-саодати. келажаги учун курашган фидойи кишилар улуғланади, юксак инсоний туйғулар, соф севги-муҳаббат тараннум этилади. Энг муҳими, бу киноленталар фестивалнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган шиори талабларига жавоб беради.

— Фестивалларда актив қатнашиб келаётган чет эллик ҳамкасбларингиз ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Ҳиндистонлик Капурлар оиласи, М. Сен, анголалик Р. Карвалью, жазоирлик М. Риад, ганалик А. Даниэльс, сенегаллик Т. Диоп, мексикалик С. Ольхович, монголиялик Б. Сумхуу, кубалик П. Торрес, вьетнамлик Д. Кьем, сурия лик А. Зубайдий ва бошқаларни Тошкент кинофестивали штатидаги (ҳазил) хорижий режиссёр, актёр ва актрисалар деб бемалол айта оламиз. Улар ҳар гал таклифномалар юборилганда биринчилар қаторида қатнашиш истагини билдиришади. Фестиваль программасига энг яхши фильмларни ҳавола этишиб, доира стол атрофида бўладиган ўзаро ижодий баҳс-мунозараларда ҳам актив иштирок қиладилар. Шу ўринда машҳур режиссёр ва актёр Раж Капурнинг «илгор, тараққийпарвар киночиларнинг энг демократик анжумани бўлган Тошкент кинофестивалига фақат ва фақат шон-шарафлар айтамиз, бундай санъат байрамида қатнашиш экран ижодкори учун бахт демакдир!» деган сўзларини келтириб ўтмоқчиман. Шахсан мен бундай дил эътирофларини жуда кўп чет эллик санъаткорлардан эшитганман. Бундай олқиш-эътирофлар, умуман, Тошкент фестивалимиз билан кўп фахрланса арзийди. Лекин ҳар қандай фахр-ифтихор тагида катта масъулият ҳам ётишини унутмаслигимиз керак. Демоқчиманки, бу галги VI фестивали ҳам ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиб, уни юксак савияда ўтказиш ишига биз, ўзбек кинематографчиларининг ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз шарт!

Тошкент кинофестивали бутун республикамиз ҳаётида, совет маданиятида катта воқеа бўлишини, унга тараддуд кўришда фестиваль Бош дирекциясига ўзбек киночилари қаторида тегишли министрликлар, идоралар ва ташкилотларнинг барча ходимлари, тошкентликлар ҳозирданоқ актив ёрдам бера бошлашлари керак.

РЕКЛАМА ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/I да **Флория Тоска**, 30/I да **Анна Каренина.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/I да **Уйланиш**, 30/I да **Истеҳком.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/I да **Нурхон.**

●

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/II да — БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР.
2/II да — ТРАВИАТА.
3/II да — ЭТИК ҚИНГАН МУШУК (12.00), ДОН КИХОТ (19.00).
5/II да — ДИЛОРОМ.
6/II да — ЖИЗЕЛЬ.
7/II да — ПИКОВАЯ ДАМА.
8/II да — СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА.
9/II да — ПЕТР БИРИНЧИ.
10/II да — ЗОЛУШКА (12.00), РИГОЛЕТТО (19.00).
12/II да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
13/II да — ОҚҚУШ КЎЛИ.
14/II да — ЧИО-ЧИО-САН.
15/II да — ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
16/II да — БОРИС ГОДУНОВ.
17/II да — ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ШАМЧИРОҒИ (12.00), СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНА (19.00).
19/II да — МАЙСАРАНИНГ ИШИ.
20/II да — ЖИЗЕЛЬ.
21/II да — КНЯЗЬ ИГОРЬ.
22/II да — КОНЦЕРТ.
23/II да — УЙҚУДАГИ МАЛИКА.
24/II да — ЗОЛУШКА (12.00), БЎРОН (19.00).
26/II да — ФЛОРИЯ ТОСКА.
27/II да — ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
28/II да — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
29/II да — КОРСАР.

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 19.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Билетлар театр кассасида соат 11.00 дан бошлаб сотилади. Справкалар олиш учун телефон — 33-90-81.

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

(2 бўлимда)

«БУГУН ВА ҲАР КУНИ»

АРЕНАДА БИРИНЧИ МАРТА

Валерий КУЗЬМИН раҳбарлигида

ЎРГАТИЛГАН БУҒМА ИЛОН БИЛАН ТИМСОҲЛАР

Доимо манежда масхарабоз ҳазиллари ва репризлари.

Таниқли масхарабоз, РСФСР-да хизмат кўрсатган артист Евгений МАЙХРОВСКИЙ иҳросида интермедиялар.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00, 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 дан 20.00 гача ИШЛАЙДИ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, болалар муассасалари, колхозлар, совхозларнинг заявкалари бўйича билетлар кассирлар томонидан жойларга бориб сотилади.

44-35-84 телефон номери бўйича заявкалар қабул қилинади.

●

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

29, 31 январь соат 19.00 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

НИКОЛАС Е. БАЭР асари Т. ТУРСУНОВ таржимаси

«МОЖАРО»

(драматик қисса)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ленинград ГИТИСининг дипломанти АЛ-БАХАДИЛИ ДОИР ТАБУР.

Режиссёр — А. Ф. ИСМОИЛОВ.

Рассом — А. П. СЛУГИН.

Музика раҳбари — Ш. ҲОШИМОВ.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг коллегияси, партия, касаба союз ва комсомол комитетлари ҳамда барча коллективи комитет раиси У. Е. Иброҳимовга акаси

Файзулла ЕҚУБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узглавводстрой»нинг «Спецмонтажгидрострой» трести коллективи трест бошқарувчиси, «Узглавводстрой» коллегиясининг аъзоси Ж. М. Турсуновга акаси

Фозил Маҳмудович ТУРСУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ТОШКЕНТДА ҲАЛҚАРО ТУРНИР

Тошкентлик мухлисларнинг яна омадлари келди. Улар спорт мусобақаларининг энг қизиқарлиси ҳисобланган футбол ўйинларини томоша қилиб, завқланиш имконятига эга бўлишади. «Оқ олтин» ўлкасининг пойтахти Тошкентда ёшлар ўртасида анъанавий халқаро турнирни ўтказишга қарор қилинди. Ўнинчи марта байроғи кўтариладиган мазкур турнир учрашувлари 26 февралдан 5 мартга қадар давом этади. Бу сафар ҳам 10 та команда иштирок этиши кўзда тутилган. Чунончи, СССРнинг биринчи ва иккинчи командалари, РСФСР коллективи, ЧССР, Венгрия, Болгария, Польша, ГДР, финляндиялик меҳмонлар ҳамда майдон эгалари — Ўзбекистон терма командасининг умидли футболчилари майдонга тушадилар.

Маълумки, УЕФА чемпионати учун тайёргарликнинг муҳим босқичларидан ҳисобланган халқаро турнир ўйинларини ўтказиш 1971 йилда расм бўлган эди. Турнир илк бор Туркманистон пойтахтида бошланиб, кейинчалик яна икки марта Ашхободда ўтказилди. Сўнг 1974-75 йилларда Тошкент халқаро турнир иштирокчиларини чорлади. 1976 йили футболчилар бир маротаба Душанбада меҳмон бўлишди. Мана шундан бери қолган мусобақалар Тошкентда ўтказилиб келинмоқда. Навбатдаги турнир мусобақалари Тошкент ва Тошкент области стадионларида давом этади. Халқаро турнирнинг тантанали очилиши ва ғолиб командани шарафлашга бағишланган маросимлар «Пахтакор» марказий стадионида ўтказилади. Турнир мусобақалари бу сафар ҳам ташкилий ва тадбирий жиҳатдан пухта бўлиши учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

ДОСААФ: ОММАВИЙ МУДОФАА ИШЛАРИ ОЙЛИГИ

МАРДЛИК МАКТАБИ

Республика автомобиль, мотоцикл ва автомодель спорти федерацияси Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 62 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган оммавий мудофаа ишлари ойлигига пухта ҳозирлик билан келди. Спортчиларимизнинг маҳоратлари ошган, уларни спорт техникаси билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Мусобақалар календарга мувофиқ ўтказилянти. Кейинги пайтларда автомобиль пойгаси, картинг ҳайдаш мусобақалари оммавий тус олди.

Малакали тренерлар ёшларга устозлик қилмоқдалар. Бу соҳада Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги ҳайдовчиларнинг маҳоратини ошириш ва техника билан таъминлашда ёрдам кўрсатаётганлигини таъкидлаш керак. Чунончи, мазкур министрликнинг кўмаги билан область автомобиль трестлари ва автомобиль корхоналарининг филиаллари очилиши туфайли ана шу ерларда спорт-техника клублари ташкил этиш учун имкон яратилди. Автомобиль ҳайдовчиларнинг конкурси ўч босқичда ўтказилянти. Ҳайдовчилар даставвал автомобиль корхонаси, кейин область автомобиль трестлари ва республика миқёсида ўзига хос кўрикдан ўтказилмоқда. Бу кўрикда қобилиятли ёшларни саралаб олаётирмиз. Бу тадбирлар шу кунларда ўтказилаётган оммавий мудофаа ойлиги тадбирларини ва мусобақаларини юксак савияда ўтказиш ва юқори натижаларга эришишга имкон бермоқда.

В. РАЖАБОВ,
республика автомотоспорт федерациясининг раиси.

МОТОПОЙГА:

«НАВРЎЗБУЛОҚ» ТЕПАЛИГИДА

Жиззахдаги «Наврўзбулоқ» тепалигида мотоцикл пойгаси бўйича республика қишки чемпионати мусобақалари ўтказилди. Оммавий мудофаа ишлари ойлиги тадбирларидан ҳисобланган бу мусобақа уч кун давом этди. Пойгада 200 дан кўпроқ спортчи ўзаро куч синашди. Чемпионлик учун мусобақалашганлар орасида СССР халқлари Спартакиадасининг совриндорлари, мамлакат чемпионлари тошкентлик М. Карев, В. Стефанович, Г. Бочкарев ва бошқалар бор эди.

Пойгани 150 мингдан кўпроқ мухлис томоша қилди. Маҳоратли спортчилардан В. Стефанович билан Г. Бочкаревлар мотоциклни бошқариш, тез ҳайдаш ва тўсиқларда ўтишда маҳорат кўрсатдилар. Дастлабки икки кун мобайнида 125 куб сантиметр классдаги мотоцикл билан мусобақалашганлар орасида В. Стефановичнинг олдига тушадиган топилмади. Г. Бочкарев ҳам мусобақага пухта ҳозирлик билан келгайлигини намойиш этди. У олдинига 250 куб сантиметр классли мотоциклда ғалабага эришиб, кейин 500 куб сантиметр классли техникани бошқаришни ҳам ўрнига қўйди. Бочкарев уч кун мобайнида ғолиблик супасига қайта-қайта кўтарилиб мухлислар эътиборини қозонди. Шунингдек, спортчилардан А. Муротов, О. Евсеева, тошкентлик Н. Калетвицев ҳамда жиззахлик И. Санақулов билан Р. Сабдюшевлар ҳам мусобақада муваффақиятли қатнашдилар. Умумкоманда ҳисобида жиззахлик пойгачилар биринчи ўринни эгаллашди. Бухоро ва Тошкент области командаларига иккинчи ҳамда учинчи ўринлар берилди.

А. ТУРҒУНОВ.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

● **БОКС.** Москвада СССР ва АҚШ чарм қўлқоп усталарининг анъанавий ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Олимпиадага тайёргарлик кўраётган боксчилар баҳсида Совет спортчилари (8:3) муваффақият қозондилар. Энди 30 январда Тбилисида, 2 февралда Вильнюсда навбатдаги учрашувлар бўлади.

● **ЧАВАНДОЗЛИК.** Москвада янги қурилган устн берн отчопарда Бутуниттифоқ мусобақаси давом этмоқда. Олимпиада машқлари сифатида ўтказилаётган бу мусобақада республикамизнинг уч нафар спортчиси иштирок этмоқда. Улардан Ю. Ковшов дастлабки мусобақада ғалаба қозонишн билан мухлисларни мамнун этди.



Тошкентдаги парфюмерия-косметика фабрикаси коллективи қариб 80 хил маҳсулот ишлаб чиқараётир. Суратда: одеколон қуйиш линиясининг илғор ишчиси Мукаррам Сойибназарова. У смена топшириқларини 125—130 процентга етказиб бажармоқда.

В. Сироткин фотоси.

ДЎСТЛИК ШИОРИ ОСТИДА

25 ноябрь куни Тошкентдаги тасвирий санъат музейида Н. К. Рерих ва С. Н. Рерихлар асарлари виставкаси очилди. Бу ерда ана шу ажойиб рассомларнинг қариб 300 та полотноси қўйилган. Улар асримиз санъати ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишган. Қўргазма Ҳиндистондан юборилган Святослав Рерих расмлари тўпламининг бир қисмини ташкил этади.

Тошкентликлар ва Ўзбекистон пойтахти меҳмонлари Николай Рерихнинг Ҳимолай тоғларини тасвирловчи картиналарини кўриши мумкин. Бу картиналарни рассом йилўн икки ой, кечаю кундуз тинмай чизган. Россия диёрида туғилган «Гўзал Василиса», донишманд Ярослав образлари илиқ, юмшоқ рангглар билан чизилган. Қўргазмада рассомнинг ўғли чизган Николай Рерих портретлари ҳам оз эмас. Святослав Рерихнинг Ҳиндистон табиатини, унинг ўрмонлари, тоғлари, афсонавий ибодатхоналарининг ҳусн-ҳаловатини акс эттирган полотнолари ҳам мислсиз асарлардандир.

(ЎзТАГ).

СОВҒАБОП БУЮМЛАР

Хива бадиий керамика буюмлари заводининг кулоллари ўзларининг энг яхши маҳсулотларидан 250 тасини авайлаб ўраб, Москвага юбордилар. «Эшак минган Насриддин», «Аравакаш» композициялари, кўза ва пиёлалар ҳамда бошқа совғабоп буюмларга ранг-баранг сир берилган. Уларнинг ҳар бири Хива нақшлари билан безатилган, ҳар бирида Олимпиаданинг беш ҳалқаси тасвирланган.

ФАН ОЛАМИДА

ИЛК ТОПИЛМА

1908 йилнинг 30 июнида Сибирь тайгаси устида портлаган жисмнинг моддий таркибидан дарак берувчи нарса ярим асрлик тадқиқотлар мобайнида илк бор топилди. Украина Фанлар академияси минераллар геохимияси ва физикаси институти экспедициясининг қатнашчилари сирли воқеа содир бўлган жойда осмондан тушган олмос-графит ўсинталарини топдилар.

Геохимикларнинг фикрича, бу нарса асримиз бошларида Подкаменная Тунгуска дарёси яқинидаги каттакон ўрмонзор районни ларзага келтирган ғалати «меҳмон»нинг табиатини билишга калит бўлиб хизмат қилиши мумкин.

— Топилган ва одатда гоят юксак босим шароитларида бунёдга келувчи қаттиқ ҳолатдаги углерод бу ерда, Ванавара қишлоғи ёнида бундан 70 йил аввал табиий космик жисм портлаганлиги тўғрисидаги хулосани тасдиқлайди, — дейди экспедиция раҳбари О. Алексеева.

Бундан бир неча йил аввал фалокат юз берган жойда 1908 йилги торф қатламидан топилган оғир углерод С-14 киевлик геохимикларни худди шундай тахминга келтирганди. Бу изотоп ҳам космик табиатли бўлиб, ўтмишда юз берган ўша фалокатдан дарак берувчи ҳамма районларда шу йил анчагина топилди.

Олимлар изотоп зарраларнинг ёйилиши ва портлаш қувватини назарда тутиб, космик жисмнинг вазни 5 миллион тоннадан ошган деган хулосага келдилар.

(ТАСС).

ОЙДИН КЕЧАЛАР «СИР»И

ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА

Дунёдаги бешта кенглик станциясининг бири Мирзо Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглик станциясида астрономия фанини ривожлантириш соҳасида улкан тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу ерда қилинаётган ишларнинг муҳимлиги йирик олимлар томонидан ҳам тан олинган. Станцияда бўлганнимизда фикр ва мулоҳазалар дафтарида бир қатор олимлар ёзиб қолдирган илиқ сўзларни ўқидик.

«Китоб кенглик станцияси менда унутилмас таассурот қолдирди. Бу ерда дунё аҳамиятига молик катта илмий ишлар олиб борилаётганидан ғоят мамнунман. **Александр Александрович Михайлов,** академик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони».

«Мен Китоб кенглик станциясида кўп марта бўлганман. Лекин, ҳар гал бир янгликнинг устидан чиқаман. Чунки, бу илмий марказ замонавий асбоб-ускуналар билан яна ҳам яхши жиҳозланган бўлади. У дунёдаги бошқа кенглик станциялар билан ҳамкорликда инсоният бахт-саодати учун катта илмий ишларни амалга оширади, деган умиддаман. **Сигеру Юки,** Кенглик хизмати халқаро бюросининг раиси, Япония».

Кенглик станцияси ва унинг ижодий коллективи шаънига билдирилган самимий сўзлар бу ерга ташриф буюрган академиклардан Евгений Павлович Федоров, Лев Андреевич Арцимович, СССР космонавт-учувчилари Владимир Александрович Жонибеков, Виталий Иванович Севастьянов, Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси Ги Бесс ва бошқалар томонидан ҳам битилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Гражданлар уруши авж олган 1919 йилда Ўрта Осиёдаги Чоржўй кенглик станцияси ўз ишини тўхтатди. Чунки, босмачилар ҳужуми ва Амударё тошкини натижасида станция жойлашган ерга жиддий путур етган эди. Шўнга Чоржўй кенглик станцияси ўрнига янги кенглик станцияси ташкил этиш лозим бўлиб қолади. Бунинг ташаббускори бўлиб, Тошкент астрономия обсерваторияси майдонга чиқди.

Йиллар ўтди. 1925 йилнинг декабрь ойида ўзбек астрономи Улуғбекнинг 500 йиллик юбилейида профессор М. Ф. Субботин Ўзбекистонда халқаро кенглик станцияси барпо этиш ва уни Улуғбек номи билан аташни таклиф қилди. Республика партия ва ҳукумати бу таклифни қўллаб-қувватлади. Шундан икки йил ўтгач, Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги топшириғига биноан бўлғуси кенглик станциясини ташкил этишга профессор А. Н. Нефедьев бошчилигида тайёргарлик бошланди. Бу станцияни Қашқадарё областининг Китоб районида қуришга қарор қилинди. Бунинг Китобда ташкил этилишининг боиси бор, албатта. Танланган жой Америкадаги Юкайя, Гейтерсберг, Италиядаги Карлофорте, Япониядаги Мицузава станциялари билан бир кенгликка тўғри келарди. Об-ҳавоси тоза, астрономик кузатишга жуда ҳам мос жой эди.

Станция қурилишига Тошкент астрономия обсерваторияси олимлари яқиндан ёрдам бердилар. Пулково обсерваторияси астрономи В. Р. Берг Китобга келиб, асбобларни илк синовдан ўтказишга раҳбарлик қилди. 1930 йил ноябрь ойидан бошлаб ЗТЛ-180 маркадаги зенит-телескоп халқаро программа асосида қутблар ўзгаришини мунтазам кузатишга киришди.

Китоб кенглик станцияси дунёдаги бошқа станциялар билан бир қаторда халқаро астрономик кузатишда актив қатнашди. Олимлардан Н. Н. Язев, М. Н. Стоилов, Л. Н. Ширжецкий ишлаб чиққан кузатиш натижаси дастлаб Парижда эълон қилинди. Қутблар ҳаракати тўғрисидаги бу биринчи кашфиёт халқаро миқёсда ўз кучини кўрсатди. Шундан сўнг истиқболи порлоқ станцияда астрономик кузатишга тўла имконият туғдириш мақсадида бу ерга кўпгина совет мутахассислари жалб этилди.

Кейинчалик станция кенг бурчақли замонавий зенит телескопларга эга бўлди. Илмий ишлар маркази қўйидаги энг муҳим вазифаларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу қутб координатларини ҳисоблаб чиқиш учун кенгликнинг ўзгариш даври ҳақида маълумот олиш, қутбнинг даврий ҳаракати асосида кенгликнинг суст ўзгариш табиатини ўрганиш каби масалалардан иборат.

Бу борада Китоб кенглик станцияси ташкил бўлгандан буён тўпланган кузатиш материаллари қимматли илмий аҳамиятга эга бўлиб, жуда кўп марта жаҳон астрономларининг диққат-эътиборини жалб қилди. Бу ерга Японiядан халқаро кенглик хизмати марказий бюросининг директори С. Юми бир неча бор келиб, станция фаолиятини зўр қизиқиш билан ўрганди.

Станция ходимлари йиғилган материаллардан унумли фойдаланмоқдалар. Кенглик муаммолари тўғрисида олиб борилган кўп йиллик изланишлар бекор кетмади. Бир қатор илмий асарлар яратилди. Бу ўз навбатида астрономия фани ривожига хизмат қилмоқда. Бу муваффақиятларга А. М. Калмиков, Л. Н. Ширжецкий, Д. И. Кровцев, В. С. Образцов, Г. А. Ланге, В. С. Шухоров, Г. В. Грикевич, Б. И. Зиков каби олимлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Айни пайтда станция ходимлари юлдузлар, метеор, комета, Ой ва олам қутблари ҳаракатларини тинимсиз кузатишмоқда. Аниқланган янгиликлар ҳар ҳафтада Франция ва Японияга мунтазам равишда юборилиб турибди.

Китоб кенглик станциясида бетиним кузатиш давомида кўзга ташланган астрономик ҳодисалар ва тилсимларни суратга тушираднган махсус зенит-трубалар ҳам ўрнатилган.

Астрономия фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган бу ижодкор коллективга қариб йигирма беш йилдан бери физика-математика фанлари кандидати Александр Михайлович Калмиков раҳбарлик қилиб келмоқда. Ёш илмий ходимлардан Бердимурод МамаҒозиев, Самандар Эшонқўловлар А. М. Калмиков раҳбарлигида муҳим тадқиқот ишлари олиб боришаётир. Улар ойдин кечаларда телескоплар ёнида узоқ ўтиришади. Чунки, мўъталид ҳаво, осмоннинг ёп-ёруғлиги ва юлдузлар жамолининг кўзга ташланиши кузатиш ишлари учун жуда қулайдир. Бу пайтда тадқиқотчилар қутблар ҳаракати, аниқ вақт бирлиги, қутб ва юлдузлар ҳароратини аниқлашда ҳеч қийналишмайди. Бу соҳада уларга илмий марказнинг кузатиш инженери Исом Паттоҳов яқиндан кўмаклашаётир.

Станция ходимлари астрономик тадқиқот олиб бориш билан бирга маҳаллий аҳоли ўртасида фан ютуқларини кенг пропаганда қилмоқдалар. Шунингдек, бу ерга Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан кўплаб кишилар экскурсияга келиб, кенглик станциясидаги қизиқарли ишлар билан атрофлича танишмоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Чагалай. Фильм-спектакль. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Жонажон табиат. 16.20 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 16.50 — Ёшлар учун музикали кечалар. 18.45 — Жасорат. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — А. П. Чехов туғилган кунинг 120 йиллигига. 20.00 — Сайловдан — сайловгача. 20.15 — Қиргоқлар. Кўп серияли бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Гитарачи С. Марото концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Мультфильм. 12.10 — Диддан қуйлаб, ўйна қувнаб. 13.20 — Нафосат оламида. 18.15 — Нурафшон давра. 18.50 — Миллионлар ленинча университети. 19.05 — Ҳалқ контроли экрани. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Манеж усталари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистоннинг навқирон балети. 21.30 — Время. 22.05 — Тошкент область ғалаба районидаги В. Волков номли совхоз чорвадорлари ҳузурида. 22.20 — Театр учрашувлари.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.55 — Физика. 21.55 — Жонгинам. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 9.30 — Оммавий қўшиқлар. 10.40 — Ленинома программаси. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорва қишловининг боришини текширамиз. 13.30 — Эстрада концерти. 14.00 — Дала ишлари кундалиги. 18.50 — Ёшлик. 19.45 — Янги куйлар. 20.25 — М. Ойнақулова ва А. Суюрбоева ижро этади. 21.00 — Халқаро маззуларда суҳбат. 21.10 — Шеърият кечаси. Шуҳрат шеърлари. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.28 — Музикали салом. 23.20 — Лирик тароналар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия ҳурмуши — 33-34-69, 32-53-07, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-20; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОВЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-82; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01759. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64585. Б. — 23. 7